140296

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 13 март, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 18 (6715)

Даъват

Қайси бир мусулмон экин экса ёки бирор дарахт ўтказса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳайвон еса, унинг экканидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади.

Хадис.

Ибрат

Бахмал туман ҳокимининг фармойишига биноан Ўсмат қўрғонидаги «Ойқор» стадиони туман халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилди ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқув-машғулот марказига айлантирилди.

БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

11 март куни Вазирлар Маҳкамасида Навруз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисни Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, Навруз умумхалқ байрамининг бош режиссёри Р. Ҳамидов, «Тошкент уйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси Т. Зокиров, маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг кун тартиби юзасидан ахборотлари тингланди.

Пойтахтимиз Тошкентда ва республиканинг барча вилоятларида Навруз умумхалқ байрамига катта ҳозирлик кўрилаётгани таъкидлаб ўтилди. Бу борада шодиёналар бўлиб ўтадиган Тошкентдаги Миллий боғ, Мустақиллик майдони, Амир Темур, Хадра майдонларида, Халқлар дўстлиги саройи, Алишер Навоий номидаги театр, Сайлгоҳ кўчаси ва бошқа майдонларда режалаштирилган ишлар амалга оширилаётгани айтилди. Шу билан бирга байрам тадбирлари ўтадиган асосий майдонда қурилиш ишларини ниҳоясига етказишни жадаллаштириш, ҳар бир вилоят, шаҳар, туман ва маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини зўллик билан поёнига етказиш, байрамни кўтаринки руҳда уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча куч ва имкониятлардан унумли фойдаланиш зарурлиги қайд этилди, баъзи бир муаммоларни тезда бартараф этиш юзасидан тегишли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарларига топшириқлар берилди.

Мажлисда Узбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жураев, республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов қатнашди.

(ЎзА).

Юртимизда уйғониш, янгиланиш фасли — баҳор кезмоқда. Одамлар яхши ниятлар билан боғлар, далалар сари ошиқмоқдалар. Энди мактаб боғлари ҳам қишдагидек ҳувиллаб ётгани йўқ. Ўқувчиларнинг катта-кичик танаффуслари, меҳнат дарслари шу ерда ўтмоқда. Тошкент шаҳрида жойлашган Миркомил Миршаропов номидаги мактабнинг меҳнат фани ўқитувчиси Қудрат Нурматовнинг таъкидлашича: «Меҳнат»ни амалиётга боғлаб олиб бориш ҳар томонлама самаралидир».

Суратда: Қ.Нурматов шогирдларига «Меҳнат»дан сабоқ бермоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ сурати.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига АҚШ президенти Билл Клинтондан мактуб келди. Унда Америка давлати раҳбари савдо алоқалари ва сармояларни қўллаб-қувватлаш борасида қўйилаётган қадамлардан мамнун эканлигини изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «1995 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 1996 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўллари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Бир неча кун давомида Грознийда Россия федерал қўшинлари билан дудаевчилар ўртасида қонли жанглар давом этди. Маълумотларга қараганда, бу жангларда 170 нафарга яқин дудаевчи, Россия аскарларидан эса 38 киши ҳалок бўлган.

Душанбеда Тожикистон парламентининг мамлакатдаги можарони тинч йўл билан ҳал қилишга бағишланган махсус сессияси иш бошлади. Мухолифатчилар унда иштирок этишдан бош тортишди.

Россиянинг ойлик иш ҳақи тўлови бўйича қарзи 1,4 триллион рублга етди. 2,5 триллион рубл нафақа ҳали ўз эгаларига етиб борган эмас.

Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида 31 давлат раҳбарларининг юқори даражадаги кенгаши бўлиб ўтади. Кенгаш Яқин Шарқда терроризмнинг олдини олишга бағишланган.

Саховат

МАЪРИФАТПАРВАР МУЛКДОР

Шаҳрихон туманидаги «Сардор» жамоа хўжалиги «Низомжон» хусусий фирмаси раҳбари мулкдор-тадбиркор Низомжон Мирзааҳмедов ўз корхонаси даромадидан ўзи ўқиган, отаси Турдиали ака Мирзааҳмедов устозлик ва раҳбарлик қилган 9-ўрта мактабда «Энг аълочи ўқувчи» учун ойига 500 сўмдан «Турдиали Мирзааҳмедов номидаги стипендия»ни жорий этди.

Хўш, Низомжон стипендияни нима ҳисобига тўламоқда? У «Низомжон» хусусий фирмасининг фаолиятини фойдали даражага кўтара олди. Фирма қошида қўшимча тикувчилик цехи, Сарой қишлоғи марказида чойхона, қассобхона, устахона каби қишлоқ аҳли учун зарур маиший хизматга мўлжалланган, ҳожатбарор шохобчалар очиб, улардан самарали фойдалана билди. Ана шулардан тушган маблағларнинг бир қисми ўқувчилар учун стипендияга ажратилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, кўплаб орден ва нишонлар соҳиби Т. Мирзааҳмедов номи билан аталаётган 15-махсус ҳунар мактаб-интернатига ҳам фирма томонидан моддий ёрдам кўрсатилаётир.

Яқинда мактаб-интернатга ҳаммом қуриш учун 10 минг дона пишиқ ғишт олиб берилди.

Машрабжон РАҲМОНОВ.

ОЛИМЛАР БОШЛАБ БЕРДИ

«Наврўз» байрамини халқимиз азал-азалдан катта спорт мусобақалари билан кутиб олишган. Боболаримизнинг ана шу урф-одатларига содиқ қолган Қарши давлат университети маъмурияти устозлар ва талабалар орасида «Наврўз»олди спорт мусобақаларини бошлаб юборди. Мусобақаларни университет олимлари бошлаб беришди. Олимлар ўзаро спортнинг 5 тури бўйича, яъни шахмат, шашка, волейбол ва кичик футбол бўйича беллашадилар.

— Ҳозиргача олимлар ўртасида ўтказилган волейбол беллашуви якунланди, — дейди университет ректорининг тарбиявий ишлар бўйича муовини, доцент А. Чориев. — Қизғин беллашувлар асосида ўтган ушбу мусобақада жисмоний тарбия маркази олимлари ғолибликни қўлга киритдилар. Педагогика маркази олимлари ҳам яхши ўйин кўрсатиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди...

Айни кунда олимлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича беллашувлар ўз ниҳоясига етиш арафасида. Ушбу мусобақада университетнинг Муслим Муродов, Саъдулла Ёқубов, Қурбон Ҳамроев, Йўлдош Темуров, Мурод Ҳақбердиев каби профессор-ўқитувчилари фаол қатнашмоқдалар.

«Наврўз»га қадар олимлар ўртасидаги барча спорт беллашувларига якун ясалади. Ғолибларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари тақдим этиш кўзда тутилган.

А. ОБИДДИНОВ.

ИЛМ ЭЛГА ЕТСА АЗИЗ

Мукофотлаш маросимидаги мулоҳазалар

Бундан роппа-роса бир йил аввал Қори-Ниёзий номидаги УзПФИТИ докторанти Асқарали Сулаймонов томонидан бир таклиф ўртага ташланганди. Орадан кўп ўтмай, худди шу таклиф юзасидан, мамлакатимиздаги аспирант, докторант ва бошқа илмий изланувчиларнинг педагогика ва психология фанлари соҳасидаги илмий мақолаларнинг йиллик танловини ўтказиш тўғрисида Халқ таълими вазирлиги буйруқ чиқарди. Бироқ, очиқ гап, бу буйруқнинг қоғозда қолиб кетмай амалга ошишига ишонмаганлар ҳам бор эди. Мана, куни кеча, баҳорнинг илиқ кунларининг бирида ўша шубҳалар тумандек тарқаб кетди. Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев танлов ғолибларига ваъда қилинган мукофотларни тантанали равишда топширди. Танлов ғолиблари деб топилган Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти аспиранти Юлдуз Амиржонова, Авлоний номидаги ХТХМОМИ аспиранти Ф. Акромовага уч минг сўмдан пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган илм толиблари ҳам буйруқда белгиланган миқдордаги пуллик совринларни ва бошқа рағбатлантирувчи эсдалик совғаларни қўлга киритишди.

Шу билан мукофотлаш маросими тамом бўлди. Бироқ халқ таълими вазири «барча ишларига муваффақиятлар тилаб», хайр-хўш билан жўнаб қолмади.

— Мени бу ерга икки мақсад етаклаб келди, — деди вазир. — Аввало, ўтган йили бошлаб қўйган танловимизнинг натижасини кўрмоқчи эдим, иккинчидан, шундай бир жамоат жам бўлган жойда, пайтдан фойдаланиб, сизларнинг дардларингизни тинглаш, йиғилиб қолган муаммолар устидан биргалашиб мулоҳаза юритиш ниятида эдим.

Вазирнинг таклифидан сўнг йиғилганлар ўртасида ўзгача бир жонланиш, юз берди. Сўнгра, аспирантлар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар бирин-кетин бугунги кунда илмий изланишларнинг чекига тушган ютуқлар, муаммолар ҳақида сўзладилар. Жумладан, Й. Абдуллаев, Ю. Амиржонова, Қ. Боймиров, Қ. Абдуллаева каби олимларнинг фикр-мулоҳазалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Йиғилиш охирида эса Ж. Йўлдошев умуман педагогика соҳаси олдида турган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўл-йўриқлари ҳақида мулоҳазалар юритди, таклифлар киритди...

* * *

Қизиқ, танловда номи тилга тушган илм толибларининг юзкўзида, гап-сўзида балқиб турган қувонч ва мамнунлик сабаблари нимада экан? Одатда, узоқ ва илҳақ кутганини ногоҳ учратган киши чеҳрасидагина шундай ифодалар жилваланиб қолади. Наҳотки, ғолибларимиз ҳам қўлга киритилган манови мукофотларни кўпдан бери зориқиб кутган бўлса? Йў-ўқ... Улар илмга қўшиб излаган, охири, топган нарса... озгина эътибор, озгина хайр-хоҳлик эди, холос! Энди илм толибларида ишонч пайдо бўлди. Улар жиддий илмий кашфиётлар ярата олишга, бу меҳнатлар эса устозлар, раҳбарлар томонидан қадрланишига, қўллаб-қувватланишига ишона бошладилар. Албатта, хайр хоҳлик, қўмаклашиш унда-мунда мукофотлаб туриш деган сўз

(Давоми 2-бетда)

Бизга жавоб берадилар

«ДАСТУР ЯНГИ, МАЗМУН ЭСКИЧА»

(«Маърифат», 1996 йил 17 февраль)

Профессор Раъно Толипованинг шундай деб номланган мақоласида 5—9-синфлар учун 1995 йилда чоп этилган рус тили дастури (муаллифи В. Андриянова ва бошқалар)нинг лойиҳаси ҳамда 7, 8, 9-синфлар учун 1994 йилда нашрдан чиққан рус тили дарсликлари юзасидан фикрлар билдирилган эди.

Республика таълим илмий-методика марказида мазкур мақола юзасидан муаллиф Р. Толипова ва шу соҳа мутахассислари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган дастур кенг тарзда тақриздан ўтган (тақризчилар — профессорлар М. Тўхтахўжаева, М. Хегай, доцент Р. Абдусаматова, турли ҳудудларда ишлайдиган илғор ўқитувчилар), шунингдек, рус тили бўйича илмий-методик кенгаш йиғилишида ҳар тараф лама ва чуқур муҳокама этилган ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилгандан сўнг нашрга лойиҳа сифатида тавсия этилган. Демак, ушбу дастурни такомиллаштириш жараёни давом этяпти. Мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида лойиҳа, маълумки, ўзгартирилиб, ишланади, илмий-методик кенгашда такроран муҳокама қилинади, шундан сўнг Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат йиғилиши тасдиқига тақдим этилади.

Дарсликлар бўйича ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Ҳаётга йўлланма олгунга қадар улар ҳам жиддий тақриз, муҳокама ва текширувлардан ўтган.

Ҳар бир нарсанинг такомиллашувида ҳеч қандай чегара бўлмайди. Шу нуқтаи назардан тилга олинган дастур ва дарсликлар ҳақида РТИММ қўплаб асосли таклиф ва мулоҳазалар олиб турибди. Р. Толипованинг фикрлари ҳам, албатта, кўриб чиқилади.

Хуллас, илмий-методик марказ томонидан яратилаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларига чуқур ва самимий акс-садолар қанчалик кўп бўлса, биз бунга шунчалик хурсанд бўламиз.

Ҳ. Н. БОБОБЕКОВ,
Республика таълим-илмий-методика маркази директори.

Ташриф

Ингеборг БАЛДАУФ:

ЎЗБЕК ТИЛИНИ СЕВИБ ҚОЛДИМ

Ингеборг Балдауф — Берлин Ҳумболд университети Марказий Осиё тиллари ва маданияти бўлими мудираси, фан доктори, профессор. Австрияда туғилган. Вена университетининг туркология ва исломшунослик факультетини тугатгач, Германияга келади. Турк, хусусан, ўзбек тили доирасида илмий иш билан машғул бўлади. Номзодлик иши «Шимолий Афғонистон ўзбекларининг халқ қўшиқлари», докторлик ишининг мавзуси эса «Русия ва совет туркий мусулмон миллатларининг алифбо ислоҳотлари ва янги алифболарга ўтиш жараёнлари» дея номланади. Ўзбек тилида равон гапиради. Шунингдек, инглиз, француз, турк ва форс тилларида бемалол сўзлашади ва ёзади. Араб ва рус тилини ўқиб, тушунади. У Ўзбекистонга учинчи маротаба ташриф буюрди. Бу гал у «Маърифат» таҳририятида меҳмон бўлиб, бизни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Ингеборг хоним, аввало, кафедрангиз фаолияти ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

— Марказий Осиё тиллари ва маданияти бўлими 1993 йилда тикланди. Қайси ният билан деб сўрасангиз, илгари бизда туркология, эроншунослик, исломшунослик бор эди. Булар сал эскироқ, анъанавийроқ фанлар. Лекин охирги йилларда мустақиллигингиз сабабидан Марказий Осиёга кўпроқ эътибор берила бошланди. Олдинроқ туркологиянинг доирасида ўзбек тили кичкина тил сифатида ўрганиларди. Ҳозир бўлса, ўзбек тили бўлимимизнинг марказий тили ҳисобланади. Чунки ўзбек тили, менимча, бизнинг талабаларимизга жуда фойдали бўлади. Негаки, Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларининг энг каттаси, иқтисод ва бошқа жиҳатлардан эса энг аҳамиятлиси ҳисобланади. Лекин бир бошқа гап ҳам бор: ўзбек тилини пухта ўргандингизми, қозоқ, қирғиз, туркман тилларига ўтиш жуда осон бўлади. Шунинг учун билимимиз Марказий Осиёнинг марказий тилидан бошланади. Иккинчи бир марказий тилимиз ҳам борки, у тожик тилидир. Бу икки тилга эътибор катта. Дарсларимизда адабиёт, тил, тарихдан тортиб дин, идеологиялар тарихи, социология фанлари ўрганилади.

— Турк тилига, хусусан, ўзбек тилига қизиқишингиз нимадан ва қандай бошланган?

— Биринчи сабабини ўзим ҳам билмайман... Азалдан бормикин. Ўша пайтлар хоҳиши билан Афғонистон ва Ҳиндистонга бордик. Йўлда ўзбекларни кўрмаслик мумкин эмасди. Чунки Афғонистонда ўзбеклар кўп, қозоқлар, туркман, қирғизлар бор. Улар билан озроқ гаплашиб, ўзбек тилининг гўзал эканлигини англаб, уни севиб қолдим. Шу билан бу тилни ўргансамми-кан, деган ўйда қолдим. Афғонистоннинг шимоли-ғарб қисмидаги ўзбеклар орасида уйма-уй, хонама-хона, қишлоқма-қишлоқ жуда кўп юрдим. Аёллар, болалар орасида бўлиб, қўшиқларини эшитиб, тилни салкам ўрганиб қолдим. Биринчи севгим шундан бўлса керак. Минг афсуски, талабалик пайтларда бизни Ўзбекистонга келиб ўқишимизнинг имкони бўлмаган. Ахир, ўша пайтда орамизда темир парда бор эди-да. Мен Ўзбекистонга бориб, Тошкент университетида ўқийман, деб мурожаат қилганимда, Тошкент университетидан қабул жавоби келган.

— Тошкентда ўқиш ниятингиз бор эдими?

— Бор эди. Совет элчихонасига борсак, котиб айтдики, Тошкент томонидан қабул бўллингиз, бўлди, янаги ҳафта яна келинг, деди. Янаги ҳафта борсам, «Москвадан рад жавоби келди», деди. Улар айтишдики, Европадан келган одам ё Москва, ё Ленинградга боради. Тошкент каби шаҳар-

(Давоми 3-бетда)

ҒОЛИБГА 10 000 СЎМ

Узбекистон радиоси жамоатчилиги «Февраль ойининг энг яхши эшитириши» конкурсини ўтказди. Унда барча редакциялар қатнашиб, «Президентимизнинг спорт соҳасида чиқарган қарорларининг жойларда бажарилиши» мавзуида икки ой ичида учта радиофельетон муаллифи — спорт бош муҳарририятининг муҳаррири Улуғбек Аҳроровнинг «Жиззах отчопарининг эгаси борми?» сарлавҳали радиофельетони ғолиб деб топилди ва 10 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, радионинг 70 йиллик тарихида ҳали биронта эшиттириш бундайин мукофотга сазовор бўлмаган, ва энг муҳими, бу юксак баҳо журналистларнинг ижодига барака, руҳиятига кўтаринкилик бағишлаши шубҳасиз.

У.ОДИЛОВ.

Халқ таълими вазирлигида

ТАРИХНИ БИЛГАН ТОЙИЛМАС

Республика Халқ таълими вазирлиги Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 февралдаги Файзулла Ҳўжаев таваллудининг 100 йиллиги ҳамда Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ ўз тадбирларини ишлаб чиқди.

Халқимизнинг ҳар икки асл фарзанди туғилган саналарига тайёргарлик ва ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирлар бўйича вазирлик тасарруфидаги барча мактаблар, ҳунар билим юртларида улуғ сиймолар ҳаёти ва ижодига бағишланган кечалар, давра суҳбатлари, учрашувлар, педагогика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, илмий муассасаларда илмий-амалий конференциялар ўтказилади. Шунингдек, жойларда Ф. Ҳўжаев ҳамда А. Фитрат фаолияти ва ижодини акс эттирувчи китоблар ва суратлар кўргазмалари, стендлар ташкил қилинади.

Тадбирларда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, барча вилоят халқ таълими бошқармаларига, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига, педагогика олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ҳокиятлар билан келишган ҳолда Файзулла Ҳўжаев ҳамда Абдурауф Фитрат хотирасини абадийлаштиришга қаратилган амалий ишларда фаол иштирок этиш топширилган. Шунингдек ҳужжатда амалий режаларини рўёбга чиқариш, ёдгорликлар, боғлар, хиёбонларни вужудга келтириш ҳам қайд этилган.

Муҳими, шунга эришиш керакки, халқимизнинг бу асл фарзандлари таваллудининг саналари муносабати билан ўтказиладиган барча тадбирлар ёш авлод қалбида Ватан, эл-юрт фидойиларига муҳаббат туйғуларини қучайтирсин, ўғил-қизлар қалбида улар сингари мамлакат ва миллат келажаги учун фидойилик ҳисларини бамисоли булоқдек жўштирсин.

МММ — ХАБАРЛАРИ

ТАЖРИБА — ЙИЛЛАР МЕВАСИ

Термиз шаҳридаги ўзбек-турк лицейида вилоятдаги лицей-интернат раҳбарларининг семинар-кенгаши бўлди. Анжуман қатнашчилари олий тоифали химия ўқитувчиси Умид Метенинг бир соатлик дарсини кузатишди. Билим маскани фаолияти билан танишди. Лицей мудири Булант Эсер таълим-тарбия соҳасида ўзи тўплаган тажрибалар билан ўртоқлашди.

ШОҲСУПАДА «СОҲИБҚИРОН»

Яккабоғ туманидаги Тошпўлат Бойгулов номли 12-ўрта мактабда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда 11-«А» ва 11-«Б» синфларнинг «Соҳибқирон» ва «Оқ сарой» командалари ўзаро куч синашди.

Ҳар иккала командалар ўртасида Амир Темур, Бибихоним ва унинг фарзандлари, Амир Темур юришлари ҳамда унинг маданий-маърифий соҳаларда олиб борган ишлари, давлатни адолат билан бошқариши, тарихий ёдгорликлари ҳақида қизғин тортишув, савол-жавоблар бўлиб ўтди. Айниқса, Амир Темур ва Бибихоним тимсолини маҳорат билан ижро этган Исомиддин Нормуродов, Зуҳра Мадиевалар ёш томошабинлар қалбидан чуқур жой олди. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги бурчагида «Соҳибқирон юришлари», «Амир Темур сулолалари» ва бошқа кўргазма ҳамда рўзномаларга кенг ўрин берилди.

Кўрик-танловда «Соҳибқирон» гуруҳи 49 балл тўплаб, беллашувда ғолиб деб топилди.

БИР ЛИЦЕЙДАН ЎН УЧ БИЛИМДОН

Оҳангарон шаҳрида барча фанлардан олимпиадалар бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти мактабларининг билимдон ўқувчилари қаторида Ангрен шаҳрининг ўзбек-турк ўғил болалар лицейининг йигирмага яқин ўқувчилари ҳам иштирок этиб, улардан ўн уч нафари фахрли ўринларни эгаллашга муяссар бўлишди.

ГЎЁ КОМПЬЮТЕРЛАР ОЛАМИГА КИРИШДИ

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 57-ўрта мактаб саҳнасида 9-синфнинг «Электрон жадвал» ва 10-синфнинг «Ал-Хоразмий» гуруҳлари ўзларининг «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фанидан олган билимларини синаб кўрдилар. Тўрт қисмдан иборат бўлган бу беллашувда: савол-жавоб, шеър, ашула, сардорлар баҳси, суз ўйини, томошабинлар топқирлиги, дастур тузиш бир-бирига шундай боғланиб кетдики, бутун залдагилар ўзларини «компьютер оламига» кириб қолгандек ҳис қилдилар. Мусобақада «Электрон жадвал» гуруҳи ўқувчилари 188 балл тўплади ва ғолиб деб топилди.

Туманда биринчи марта кенг кўламда ўтказилган бу тадбирни мактабнинг ИҲТА ва физика фани ўқитувчиси Алишер Жуманазаров ёшлик шижоати, ижодий меҳнати билан ташкил этди.

ЧАҚҚОНЛИК ҚИЛИШДИ

Болани чаққон ва эпчил, зеҳнли ва топқир қилиб ўстириш учун унга ёшлигиданоқ тўғри тарбия бермоқ даркор. Шу боис куни кеча Ангор туманидаги «Семург» болалар боғчасида кичкинтойлар масканларида тарбияланувчиларнинг «Қувноқлар ва чаққонлар» спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Унда болалар чаққонлиги, қувноқлиги ва топқирлиги синалди.

Мусобақада тумандаги «Феруза» ва «Наврўз» боғчалари болалари ўз чаққонликлари билан ғолиб бўлишди. Уларга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими томонидан турли ўйинчоқлар, ўқув қуроллари, дори-дармонлар берилди.

Муаллифлар: Н. ТЎРАЕВ, Х. ТЎРАЕВ, М. ҲАҚБЕРДИЕВ, З. ХУРСАНДОВА, Н. ТОЖИМУРОДОВ.

ИЛМ ЭЛГА ЕТСА АЗИЗ

(Боши 1-бетда)

эмас. Илм толибларига ҳар тарафлама ёрдам керак. Масалан, улар ўз фикр ва илмий қарашларини бемалол оммага етказиш мумкин бўлган матбуот минбари муаммосини тезроқ ҳал этиш зарур. Бунинг қандай муаммо эканлиги кўпчиликка сир эмас.

Ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари туфайли сўнгги пайтлар илмий-оммабоп журналлар нашри хийла қисқарди. Уларда илмий мақолаларни тўлалигича чоп этиш имконияти етарли эмас. Бу ҳол илмий кузатишлар иштиёқида юрган олимларимизнинг кайфиятига ноҳуш таъсир ўтказяпти. Бундан ташқари, яна иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ бир муаммо қўндаланг турибди. Маълумки, бошқа соҳаларда бўлганидек, педагогика соҳасида ҳам кўпгина адабиётлар, илмий асарлар Россиянинг марказ шаҳарларида яратилган бўлиб, уларни ўқиб-ўрганиб, керакли хулосалар чиқариш учун ўша олис шаҳарларга бориб келиш зарурати пайдо бўлаяпти. Бироқ илмий ходимларнинг киссасию, институтлар кассаси ҳам бу харажатлар учун ортиқча маблағ тополмаётир. Хўш, қўндаланг турган иқтисодий муаммоларни бартараф этишнинг қандай чоралари бор? Ахир, энди эски боқимандалик кайфиятларидан қутулишимиз керак-ку? Вазирликлар, бошқа давлат муассасалари ҳарчанд ёрдам қўлини чўзса-да, барибир, бундан буён ўз аравамизни ўзимиз тортишга одатланмоқ пайти етди! Дарвоқе, «аспирант-бизнес», «докторант-бизнес» деган ибораларни эшитганмисиз? Ғалати-я?! Лекин, биз бундай атамаларга қуникишимиз, уларни амалда қўллашимиз керак.

Хўш, қандай қўллашимиз мумкин? Аспирантда қай йўсинда «бизнес» қилиш имконияти бор? Тўғри, «бизнес» деганда, бизнинг тасаввуримиздаги олиб сотарлик кўзда тутилмайди. Масалан, аспирант ўзининг илмий кашфиётлари, уларни амалиётга татбиқ этиш йўллари билан бизнес қилиши мумкин. Шунда биз чинакам илмий янгиликлар турмушимизда наф бераётганини ҳис қиламиз. Бизга ғайритабиий туюлаётган бу савдо ишларини эллардa аллақачонлар одатдаги ҳолга айланган. Шунинг учун ҳам уларда иқтисод масаласида нолишлар деярли қулоққа чалинмайди...

* * *

Ҳа, истаймизми-истамаймизми кўпгина масалаларда ривожланган чет мамлакатлардан сабоқ олишга мажбурмиз. Хусусан, педагогика соҳаси буйича хорижлик ҳамкасб биродарлардан ўрганиш мумкин бўлган томонлар талайгина. Энг аввало, улардан ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини, янги ўқув муассасалари — лицей ва коллежлар иш тартиби, фаолиятини ўрганишимиз ва ҳаётга табиқ этишимиз жоиздир.

Қизиқ, хорижда, жумладан, Америкада ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари қандай шаклланган экан? Ўша сеҳрли диёрга сафар қилиб қайттан мутахассисларимизнинг ҳикоя қилишларича, Америкада ўқувчи муаллимдан керакли йўл-йўриқларни олгач, деярли ўзи мустақил шуғулланади. Бунинг учун унга барча шарт-шароитлар тайёр. Муаллим йўналиш берган мавзу бўйича шуғулланиш, керакли китоб ва асарларни топиб мутолаа қилиш учун ўқувчи ўзининг кичик кутубхонасидан, мактаб кутубхонасидан бемалол, унумли фойдаланади.

Бизда эса, мана, неча ўн йилликлардан бери мерос бўлиб келаётган бир хил қолипдаги дарс ўтиш усули ҳукмрон. Ўқитувчи синфхонага кириб, болалар билан саломлашгач, йўқлама қилади, сўнгра баъзи бир ўқувчилар билан, аввал ўтилган сабоқ буйича саволжавоб уюштиради, ниҳоят, танаффусга ўн-ўн беш минут вақт қолганда, шоша-пиша янги мавзу юзасидан тушунча беради ва ҳоказо...

Яқиндагина Қўқон шаҳрида ўтказилган «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови барчамизнинг ёдимизда. Ушанда тан олиш керак, юлдуз педагогларимиз ҳам эски усуллардан, эски қолип андозалардан чиқиб кетишолмади. Нега? Чунки бизда хорижлик педагогларнинг тажрибаларидан фойдаланиш учун ҳамон қўникма ва малака етишмаяпти. Бу ҳам тезроқ бартараф этилиши зарур бўлган муаммолардан. Аммо, шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу муаммонинг ечими ҳам кўпроқ илмий тадқиқотчиларимизга боғлиқ...

* * *

— Илмий мақолалар танлови бундан буён анъанага айланиб қолаверади, — деди Жўра Ғаниевич. — Бироқ ёш илм толибларимиз ўз зиммаларидаги масъулиятга лоқайд қарашмаса, бас. Биз улар учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб бераверамиз...

Дарҳақиқат, Халқ таълими вазирлиги илмий изланувчилар учун катта эътибор бераётгани амалда ҳам яққол кўриниб турибди. Хусусан, Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти қошида илмий кенгашнинг ташкил қилиниши, педагогика соҳасидаги энг яхши илмий иш учун академик Сиддиқ Ражабов номидаги мукофотнинг таъсис этилиши шундай хайрли саъй-ҳаракатлардан дарак бермоқда. Эндиликда ёш илм толиблари кўрсатилаётган ғамхўрликларга муносиб изланишлари, ўқиб-ўрганишлари билан жавоб беришига ҳаммамиз чин кўнгилдан ишонамиз.

Луқмон БЎРИХОН.

XVI Республика педагогика ўқишлари олдидан

ФИЗИКАНИНГ МАТЕМАТИКАСИ

Муаллиф ҳақида. Тошпулат Йўлдошев VIII, IX, XIII, XIV ва XV республика педагогика ўқишларида, республика миқёсидаги бир неча илмий-амалий конференцияларда фанлараро алоқадорлик, ўқитишнинг илмийлигини ва амалий йўналишини кучайтириш, ўқувчилар билимини тест ва рейтинг усулида аниқлаш ва ҳоказо мавзуларда маърузалар қилган. У Республика олимпиадаси ҳакамлар ҳайъатининг бир неча бор аъзоси бўлган. Қуйида эътиборингизга устознинг ноанъанавий текшириш усули ҳақидаги мақоласини ҳавола этамиз.

Физикани ўрганиш жараёнида турли физик катталикларни ўлчаш ва ҳисоблашга тўғри келади. Бу ишларни математикасиз бажариб бўлмайди. Кузатишларнинг кўрсатишича, ўрта мактаб физикасининг асосий принциплари ва тушунчаларини ўзлаштириш учун элементар математикани билиш етарли.

Дарҳақиқат, айрим ҳоллардагина иккинчи даражали ва тригонометрик тенгламаларга мурожаат этилади, олий математика элементлари эса деярли қўлланилмайди.

Ўқувчиларнинг физикани (бошқа табиий фанларни ҳам) муваффақиятли ўзлаштириб кетишлари, уларнинг математикани қай даражада ўзлаштириб олганликларига боғлиқлиги сир эмас. Бу далил ўқувчилар билан физикани ўрганишга киришишдан олдин, уларнинг математикадан билимини аниқлаб олишни тақозо этади. Ўқувчилар билимини аниқлашнинг кўп усуллари мавжуд. Кейинги йилларда тест ва рейтинг каби аниқлаш усуллари ҳам пайдо бўлди. Улардан фойдаланяпмиз. Ўқувчиларнинг математикадан тайёргарлик даражасини аниқлашни такомиллаштириш мақсадида мен ҳам кўп йиллар юқори синф ўқувчиларига хос хатоларни ўргандим. Бу борадаги ҳаракатларим сизларга ҳавола этилаётган ноанъанавий текширув усулининг шаклланишига олиб келди. Бу усулни физикани мустақил ўрганишга иштиёқманд юқори синф ўқувчилари (кўпроқ битирувчи синф ўқувчилари)га ҳамда мактабни олдинги йилларда битириб кетган ўқувчиларга қўллаб келаяпман.

Ўқувчиларга, текшириб кўринг-чи, қуйидаги математик муносабатларнинг қайсилари нотўғри? — деб савол қўйилади:

1. Агар $\frac{1}{R}=\frac{1}{R_1}+\frac{1}{R_2}$ бўлса, $R=R_1+R_2$;

2. $\frac{A}{B}+\frac{X}{Y}=\frac{A+X}{B+Y}$; 3) $(a-в)^2=a^2-в^2$;

4. Агар айлана диаметри 10^{-8} см.га тенг бўлса, у ҳолда унинг радиуси 10^{-4} см.га тенг бўлади.

5. Шу айлананинг радиуси 5^{-8} см.га тенг.

6. Тўғри бурчакли учбурчакда 60° ли бурчакка ёпишган катет, 1см.га тенг бўлса у ҳолда гипотенуза $\sqrt{3}$ см.га тенг бўлади.

7. $6:\frac{1}{2}=3$; 8. $\sqrt{25ab}=5ab$; 9. $\sqrt{10^4}=5^2$

10. $\frac{1}{X+2}=\frac{1}{X}+\frac{1}{2}$; 11. $\frac{10^{-8}}{10^{-4}}=10^{-10}$

12. Фараз қилайлик а ва в манфий сонлар бўлиб, $\frac{b}{a}$ бирдан катта бўлсин. У ҳолда (а-в) айирма манфий бўлади.

(Бу математик муносабатларнинг барчаси нотўғри. Зеро, у ўқувчилар хатолари йиғиндисидир).

Ўқувчилардан жавоблар олингач, улар баҳоланади. Мен тўлиқ тўғри жавобни (ҳаммасини нотўғри деганлар) қониқарли, борди-ю улар битта хатога йўл қўйишса (ҳатто биттасини тўғри деганларни) ҳам қониқарсиз баҳолайман.

Биттагина саволга жавоб бера олмаган ўқувчи билимини қониқарсиз баҳолаш адолатсизлик эмасми, деган савол туғилиши мумкин. Менимча, йўқ! Зеро, берилган топшириқлар етарлича содда, буларни билиш ўқувчининг зарурий эҳтиёжи даражасида бўлмоғи ҳам фарз, ҳам қарз. Буни тушуниб етган ўқувчиларнинг ўзлари ҳам бу фикрга қўшиладилар.

Навбатдаги дидактик талаб жавоблар таҳлили. Барча саволлар тўғри ва хато жавобларнинг қиёсий таҳлилини беришга имконимиз йўқ. Фақат 4 ва 5-саволларга тўхталайлик. Буларнинг нотўғри жавоблари ҳақиқий жавоблардан мос равишда 20 минг ва 512 марта каттадир.

Саволларнинг жуда осонлигига қарамай, бундай катта хатоликларга йўл қўйган ўспиринлар жуда изза бўлар эканлар. Ўзим бунга кўп гувоҳ бўлганман. Оқибат, қизиқ-қизиқ ҳангомаларга дуч келганман ҳам. Шулардан бири ҳеч эсимдан чиқмайди.

Бир дўстим бу йил ўғлим институтга кирмоқчи, мактабни медалга битиряпти, сизга консультацияга келиб турса, деган илтимос билан келди. Ўғлига юқоридаги топшириқни бердим. Натижа кўнгилдагидек бўлмади. Мен математикадан бир оз тайёрланмасанг бўлмайди, деб вазифа бердим. У анча вақт келмай кетди. Бир куни отасини учратиб қолиб, «Нега ўғлингиз келмаяпти» десам, жуда изза бўлган экан, бўлди бормайман, — деб юрибди деди.

Мен ўглингизга бобомиз А. Навоийнинг

«Билмаганни сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим».

ҳикматини тушунтириб қўйинг. Келсин, уят бўлади, дедим. Бирмунча вақт ўтгач, у яна келди. Яхшигина тайёрландик. Биринчи имтиҳон — физикани «аъло» баҳога топшириб, институтга кириб кетди. Ўқишни битирди ҳам, мана бир неча йилдирки, ўқув даргоҳида самарали ишлаяпти.

Қиссадан ҳисса шуки, мен физика-математикани зўр биламан, деб ғурурланиб юрган ўспиринларнинг (бу уларга хос) оддий топшириқларни эплай олмай қолишлари улар руҳиятига алоҳида таъсир этар экан. Оқибатда уларнинг қатъиятларида илм олишга жиддий ёндашиш кучаяди, ишга жаҳд билан киришади, катта муваффақиятларга эришади ҳам.

Яна бир фикр. Билими қониқарсиз баҳоланган ўқувчиларнинг математикадан билимдонлигини ошириш учун уларга соф математикага доир мисол-масалалар билан бир қаторда физикавий мазмундаги масалалардан ишлатиш ҳам катта наф беради.

Уларга тавсия этиладиган масалалардан намуналар келтирамиз: 1. Яшил ёруғлик нури тўлқини бир метр узунликка неча марта жойлашади? (Тўлқин узунлиги жадвалдан олинади).

2. Протон зичлигини ҳисобланг. (Протоннинг диаметри ва массаси жадвалдан олинади).

3.Олти даражаси олтидан куб илдиз чиқаринг?

4. Ўн даражаси минус ўннинг беш дан бири қанча?

5. 2 г водороддаги молекулалар сони Авагадро доимийсига тенг. Битта водород атоми массаси қанчага тенг? (Битта водород молекуласида 2 та атом бор).

6. 100 м узунликдаги буюм бир градус бурчак остида кўринади. Буюмнинг баландлиги қанчага тенг? (Кўрсатма, бир градус — айлана марказий бурчагининг 360дан бирига тенг. Демак, буюмнинг баландлиги, радиуси 100 м бўлган айлана узунлигининг 360 дан бирига тенг).

Ўқувчилар билимини аниқлашнинг бу усули, туманимиз физика ва математика ўқитувчилари методик йиғилишида муҳокама этилди. Йиғилиш аҳли барча синфларга хос хатоларни бартараф этиш орқали физика-математика фанларининг ўқитилишини янада яхшилаш йўлларини келишиб олдилар.

Тошпўлат ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент вилояти Пискент туманидаги 28-мактабнинг олий тоифали методист ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси.

Тажриба, синов, натижа

ТЕСТ-РЕЙТИНГ – САМАРАЛИ УСУЛ

Республикамиз мактабларида ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг замонавий усуллари жорий этилаётганига ҳам анча бўлиб қолди. Шулардан бири тест-рейтинг, яъни кўп балли тест тизимидир. Бу тизим аввал олий ўқув юртларида қўлланилди. Ўтган ўқув йилидан бошлаб эса республикамиз ўрта мактабларида, жумладан Тошкент шаҳридаги 309-лицейда ва бошқа таълим муассасаларида тажриба тариқасида синаб кўрилмоқда.

Бизнинг 134-ўрта мактабда ҳам ўқувчилар билимини тўғри баҳолаш усули — тест-рейтинг тизимига ўтиш лозимлиги ва унинг афзаллиги ҳақида август кенгашида айтиб ўтилди. Бунга асос бор эди. Чунки ўтган ўқув йилида мактабимизнинг 5-»А» синфида С. Раҳимов, ХТБ услубчиси Толибжон Қудратов ҳамда «Ўқитувчи-94» республика кўрик-танлови голиби — тарих фани ўқитувчиси Қундуз Дадамуродова ҳамкорлигида кўп балли тест тизимини жорий этиш ҳақида аниқ режалар ишлаб чиқилиб, синов тариқасида иш олиб борилди. Натижа эса ёмон бўлмади. Ўтган ўқув йилида шу синфда она тили, математика, инглиз тилидан кўп балли тизимдан фойдаланиб, ўқувчилар билими баҳоланди.

1995/96 ўқув йилида 6-»А» синфида барча фанлардан тест-рейтинг тизимида ишни давом эттиришга қарор қилинди. Шу синфда география фанини янги усул асосида ўқитдим ва тест-рейтинг усули ўқувчиларга чуқур билим бериш ва уларнинг билимини тўғри баҳолаш гарови эканлигига амин бўлдим. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, бу тизим ўқитувчидан хушёрликни, талабчанликни, масъулиятни ҳис қилишни талаб қилади.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, тест-рейтинг тизими мактабда таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишда, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи учун соғлом, билимдон, тадбиркор авлодни етказиб беришда мос келадиган усуллардан биридир. Бу усулни барча ўқитувчилар қўлласа, яхши самара бериши шубҳасиздир.

Бизда эса изланишлар давом этмоқда. Келаси ўқув йилида мактабимизнинг бошланғич синф ўқитувчилари бу усулдан фойдаланишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Клара АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 134-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ўсмир ва қонун

МУЛОҚОТ

Андижон вилояти Марҳамат тумани халқ таълими бўлими ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган балоғатга етмаган ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида қатор ибратли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Тумандаги Олтибой Тулибоев номли 35-ўрта мактабда юқори синф ўқувчилари билан туман прокуратураси, ички ишлар бўлими ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ҳуқуқий тарбияга бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда ёшларга ҳуқуқий таълим-тарбия беришни такомиллаштириш билан бирга тартиббузарлик, безорилик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақида атрофлига фикр юритилди.

Мулоқотда туман ҳокимлиги ички ишлар бўлими вояга етмаган ўсмирлар билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи, майор Сойибжон Болтабоев «Ёшлар ўртасида тартиббузарликнинг олдини олиш ҳамда жиноят кодексларига киритилган ўзгаришлар», туман прокуроринг ёрдамчиси Назиржон Раҳимов «Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқишида ойнаи жаҳонда берилаётган ҳаёсиз чет эл кинофильмлари, видеофильмлар таъсири», участка нозири Қодиржон Тошпулатов «Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда таълим-тарбия олаётган ўқувчи-ёшлар орасида тартиббузарлик, безорилик ва жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари ва назоратда турган болалар билан ишлаш» ҳақида маъруза қилдилар.

Мулоқот сунгида туман ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ.

Соғлом авлод учун

Жажжилар иқболи – юртнинг камоли

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» ҳукматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорликдаги «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини ялпи ҳал қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 декабрдаги 589-сонли қарорини, шунингдек, Халқ таълими вазирлигининг «Соғлом авлод учун» истиқбол дастурини Қашқадарё вилоятидаги ташкилот, муассаса ва ўқув юртларида бажарилиши юзасидан Шаҳрисабз шаҳрида ҳамкорликдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳайъат йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг халқ таълими бошқармаси раҳбарлари, «Соғлом авлод учун» ҳайрия жамғармаси раҳбарлари, тиббиёт ходимлари ва халқ таълими соҳасининг барча жабҳаларининг вакиллари, вилоят ва туман ҳокимлигининг ходимлари иштирок этдилар.

Таклиф қилинган меҳмонлар 3 кун давомида Қарши шаҳрида жойлашган «Шўртангаз» бирлашмасининг Нодирабегим номли мактабгача тарбия муассасаси вилоят спорт ва соғломлаштириш маркази, Қарши давлат педагогика билим юртида, Қарши шаҳар техник лицейида, Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган А.Темур номли 1-ўрта мактабда, Шаҳрисабз шаҳар ўсмирлар поликлиникаси, Шаҳрисабз ҳунар лицейида амалга оширилаётган ишларни ўргандилар ва Шаҳрисабзнинг қадимий обидаларини зиёрат қилдилар.

Ҳамкорликда ўтказилган якуний ҳайъат йиғилишида Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматулла Мусурмоновнинг «Соғлом авлод учун» дастурини амалга ошириш юзасидан вилоятда олиб борилаётган ишлар ва келгуси режалар» қақидаги маърузаси тингланди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Самарқанд вилояти «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳудудий бўлими директори А.Абдусаломов, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ж.Халилов, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т.Қурбонов, Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Бахронова ва бошқалар Қашқадарё вилоятида олиб борилаётгани ишларнинг талаб даражасида эканлигини таъкидладилар.

Йиғилиш иштирокчилари Қашқадарё вилоятида «Соғлом авлод учун» дастури асосида олиб борилаётган ишларни намунали деб топдилар.

Ҳамкорликдаги ҳайъат йиғилишида халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й.Саиджонов, республика Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлимининг мудири О.Мусурмонова, республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раиси Г.Йўлдошева вилоят ҳокимининг биринчи муовини И.Козимов, Шаҳрисабз шаҳри ҳокими А.Зайниддиновалар қатнашдилар.

Ҳайъат йиғилиши сўнгида кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. Қарорда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳудудий бўлимининг ҳамкорликдаги ишлари ҳамда «Шўртангаз» конлари бошқармаси тасарруфидаги Нодирабегим номли болалар боғчасининг амалий соғломлаштириш ишлари, Й.Охунбоев номли Қарши педагогика билим юрти, Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур номли 1-умумтаълим мактаби «Ўсмирлар поликлиникаси», 3-ҳунар лицейларининг минтақавий «Соғлом авлод учун» истиқбол дастурларининг бажарилишига оид ижодий тажрибалари алоҳида қайд этилди ва август ойида ўтказиладиган анъанавий педагогик кенгашларда кенг тарғибот қилиш таъкидланди.

Шунингдек, қарорга биноан вилоят таълим-тарбия муассасаларида кузатилган камчилик ва муаммоларни икки ой муддатда бартараф этиш, уларни бажарилишини қатъий назоратга олиш, ҳарбий хизматга чақирилувчилар саломатлигини яхшилаш, уларнинг жисмоний чиниқтириш, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини яхшилаш, мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчиларнинг саломатлик, соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини шакллантириш ва ўстириш, муассасаларнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш каби қатор муҳим вазифалар тегишли ташкилот ва муассасалар зиммасига юклатилди.

Абдували ОБИДДИНОВ.

Туркистон — умумий уйимиз

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Яқинда Туркистон шаҳри яқинидаги «Чурноқ» ўрта мактабида физика, астрономия, математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанларидан дарс бераётган ёш муаллимларнинг халқаро анжумани бўлиб ўтди. Уни Яссавий номли Туркистон давлат университети, Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, Туркистон тумани халқ таълими бўлими ҳамкорликда ташкил этдилар. «Ўқув-тарбия жараёнида янги технологияни татбиқ этиш усуллари» мавзуидаги бу анжуманнинг қатнашчилари дастлаб Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилдилар, Туркистон шаҳридаги бир қатор диққатга сазовор жойларда бўлдилар.

Анжуманни Туркистон шаҳри ҳокими Эргаш Деметев қисқача кириш сўзи билан очди.

Анжуман ярмаркасида 21 соат ноанъанавий дарс соатлари ҳам ташкил этилган эди. Унда комплекс ижодий, саёҳат, ҳамкорлик, амалий тез ёрдам, конференция, тест-рейтинг, театрлаштирилган, ким ошди савдоси дарслари ҳам бор эди. Ижодкор ўқитувчилар дарс жараёнида ўзларининг бор маҳоратларини намойиш этдилар.

Ноанъанавий дарсни ташкил этиш ва уни жонли-тарзда ўтказишда биринчи тоифали ўқитувчи Т. Акаев, Туркистон туман халқ таълими бўлимининг услубчиси Б. Иброҳимов, фидойи ўқитувчи А. Сапаровнинг дарслари энг яхши деб топилди ва амалда қўллаш учун тавсия этилди.

Ва яна шуни қўшимча қилиб айтиш керакки, бўлиб ўтган давра суҳбатида Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари маорифи тизимидаги ўзгаришлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, туман халқ таълими бўлими методист-услубчилари ҳам фаол қатнашдилар. Азал-азалдан қондош ва жондош бўлиб келган қозоқ биродарларимиз заминида бўлиб ўтган бу анжуман қизиқарли ва жозибали якунланди.

А. АБДУҚОДИРОВ.

Ислоҳот одимлари

ЭСКИЧАСИГА ИШЛАБ БЎЛМАЙДИ

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят сессиясида сўзлаган нутқида халқ таълими соҳасидаги йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳам жиддий танқид қилинган эди. Бу аччиқ ҳақиқатдан тегишли хулоса чиқарган вилоят маорифчилари камчиликларни зудлик билан бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни шаҳар ва қишлоқларнинг таълим муассасаларида амалга оширишга киришган эдилар. Орадан уч ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Қандай натижаларга эришилди? Мактабларнинг ўқув-моддий базаларини мустаҳкамлашда ҳокимиятлар билан биргаликда қандай режалар тузилди ва қандай ишлар қилинмоқда? «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишдаги, ўқув-тарбия ишлари сифати ва самарадорлигини яхшилашдаги янгиланишлар нималардан иборат? Ўқитувчи ва ўқувчиларни бозор иқтисодига ўтиш шароитида ижтимоий ҳимоя ишлари қай тарзда амалга оширилаяпти?

Шу каби кўпдан-кўп саволларга жавоб топиш, эътибордан четда қолаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш йўлларини белгилашни вилоят халқ таълими бошқармаси ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Йиғилишда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Бекмуродовнинг 1995 йил иш якунлари ва Самарқанд вилоят сессиясида Ўзбекистон Президенти сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни бажаришнинг аҳволи тўғрисидаги маърузаси муҳокама қилинди.

Маърузачи вилоят халқ таълими тизимида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш борасида муайян ишлар қилинганини, хусусан, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлигида таълим муассасалари ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш режалари ишлаб чиқилиб, жойларда амалга оширилаётганини қайд этди. Мактабларга оталиқ ташкилотлари бириктирилганлиги, вилоятнинг ҳар бир туманида шу йилнинг ўзида биттадан лицей-гимназиялар очиш мўлжалланганлиги, иқтидорлиларга эътибор кучайганлиги, таълимнинг техник воситалари билан таъминлаш даражасининг ўсаётганлиги фаолиятдаги муҳим ўзгаришлар натижасидир.

Вилоятдаги авария ҳолатида бўлган 51 мактаб аҳволи ўрганиб чиқилди. Улардан 46 тасини қуриш лойиҳаси ҳозирланганлиги ва айни пайтда 35 та мактабни қуриш ишлари бошлаб юборилгани эътиборга лойиқ далил албатта.

Туманларда ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар ҳам бор. Масалан, Қўшработ туманидаги 76 та мактабдан 71 тасида спорт зали йўқ. Боғишамол, Булунғур, Пахтачи туманларининг айрим таълим муассасаларида ўқитишга ҳамон эскича ёндашиб келинаётир, ўқувчилар малакасини оширишга жиддий эътибор берилмаётир.

Масалани муҳокама қилишда сўзга чиққан вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ректори Ш. Саидқулов, Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими мудири М. Раҳимбердиева, Челак, Ғузалкент, Пахтачи туманлари халқ таълими бўлими мудирлари И. Болтаев, Э. Дўстқулов, С. Муҳаммадиева, вилоят халқ таълими бошқармасининг мактаблар бўлими мудири А. Аминов, вилоят ҳунар-техника таълими бўлими бошлиғи М. Қаршиев ва бошқалар бир қатор муаммоларни ўртага ташладилар, аҳволни яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар киритдилар.

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармасининг ҳайъати йиғилишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Хайриддин Маъсудов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Йиғилиш кўрилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор ва амалий тавсиялар қабул қилди, таълим тизимида сифат ўзгаришларини юзага келтиришни жадаллаштиришга қаратилган тадбирлар белгилади. Қарорда таъкидланганидек, ёш авлод камолотига эътибор келажакка заминдир. Бу ҳар бир ўқитувчининг, тарбиячининг, ота-онанинг, жамоатчиликнинг масъулиятли бурчидир.

Э. МАҲМУДОВ,
ўз мухбиримиз.

Металл — Ватанга!

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР...

Бойлигини тежай олган элнинг мамлакати қудратли бўлади, дейишади донишмандлар. Отабололаримиз бу ҳикматга қатъий амал қилганлари тарихдан маълум. «Ушоқ ҳам нон», «Томатома кўл бўлур» сингари мақолларда халқимизнинг ажойиб фазилати — қадриятлари ўз ифодасини топган. Ана шу қадриятларни эъзозлаш, амалиётда намоён этиш, бугунги бозор иқтисодига ўтиш шароитида тежамкорлик билан иш юритишга эришиш муҳим давлат аҳамиятига молик фаолиятдир. Айни пайтда бу чинакам ватанпарварлик намунаси ҳамдир.

Бундай ватанпарварлик намунаси бугунги кунда қора ва рангли металл парчаларини тўплаб давлатга топшириш учун фидойилик кўрсатаётган ўқувчи-ёшлар фаолиятида ҳам яққол намоён бўлаяпти. Улар металл мамлакатимиз халқ хўжалиги тараққиёти учун энг зарурий маҳсулот эканлигини қалбдан ҳис қилган ҳолда чиқинди темир-терсакларни йиғиш ва топшириш режасини ошириб адо этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳаракатда баракат деганларидек, бу ишни моҳирона ташкил этган бир қатор таълим муассасаларининг жамоалари қора ва рангли металл парчаларини тўплаб топшириш йиллик режаларини муддатидан илгари адо этдилар. Бу ҳақда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошидаги республика штабига жойлардан телеграммалар, рапортлар, хушхабар-ахборотлар келиб турибди.

Мана, Андижондан олинган телеграмма. Унда шундай дейилади:

«Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси режадаги 494 тонна ўрнига 499,8 тонна қора металл, 6861 килограмм ўрнига 6873 килограмм рангли металл парчалари топшириб, 1996 йилги берилган йиллик режаларини муддатидан олдин бажарди. Бошқарма бошлиғи Халилов».

«Қарши педагогика билим юрти 1996 йилги қора темир-терсак йиғиб топшириш режасини 30 тонна ўрнига 33 тонна этиб, рангли металл топшириш режасини 200 килограмм ўрнига 216 килограмм этиб бажарди», — дейилади билим юрти директори С. Тошев, хўжалик ишлари буйича директор муовини Ж. Тошмуродовлар имзоси билан йўлланган рапорт-маълумотномада.

Республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, вазир муовини, қора ва рангли металл парчалари тўплаш ва топшириш буйича вазирлик қошидаги республика штабининг бошлиғи М. Султонов номига юборилган телеграммаларда ҳам ана шундай эришилган натижалар маълум қилинади. Жумладан, Косонсой педагогика билим юрти жамоаси шу йил 4 март куни йиллик режаларини уддалашган. Улар режадаги 30 тонна ўрнига 31,1 тонна қора металл парчалари топширганлар. Республика мактаб-интернати 20 тонна, Тошкент мактабгача тарбия педагогика техникуми 30 тонна металл парчалари йиғиб, қабул пунктларига элтиб беришган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли педагогика билим юрти, Сурхондарё вилоятидаги Шеробод ҳунар лицейи, Қашқадарё вилоятидаги Шаҳрисабз педагогика билим юрти, Самарқанддаги ҳарбий-ҳунар йўналишидаги Республика лицейи жамоалари ҳам йиллик режаларини бажарганликлари ҳақида хушхабар йўллаганлар.

Республикамиздаги кўпгина билим юртлари ҳамда таълим тизимининг хўжалик ҳисобидаги қурилиш ва таъмирлаш ташкилотларида қора ва рангли металл парчалари тўплаш, қабул пунктларига топшириш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу муҳим умумдавлат аҳамиятига молик ишнинг бориши, эришилган натижалар ва навбатдаги вазифалар Республика штабининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, аниқ чоратадбирлар белгилаб борилмоқда. Мақсад — Ўзбекистон мустақиллигининг бешинчи йилида ўқувчи ва талабаларнинг металл парчалари тўплаш ва давлатга топшириш ҳар қачонгидан ҳам зиёд натижаларга эришишдир.

— Халқ таълими тизимидаги ўқув юртлари ва ташкилотларда темир-терсак ва яроқсиз рангли металларни йиғиш ҳамда қабул пунктларига топшириш ҳаракати уюшқоқлик билан олиб бориляпти, — дейди Республика штаби бошлиғининг ўринбосари Б. Ҳамидов. — Демак, бу йилги металл хирмони баракали бўлади, яъни таълим-тарбия жамоаларининг мамлакат иқтисодий тараққиётига қўшадиган ҳиссалари салмоғи ошади.

Ҳа, иккиламчи хомашё хирмонлари кўп ўтмай мартен печларида пўлат қуйилмаларга айланади. Улардан эса темир излар, қувурлар, дасттоҳлар, машиналар яралади, эл-юртга хизмат қилади. Бу халқимиз тежамкорлик қадриятининг бугунги авлод томонидан эъзозланиши туфайли вужудга келган самара, мамлакат салоҳиятига қўшилган улуш сифатида Амир Темур йили салномасидан жой олади.

М. РАҲМОНОВ.

Сиртқи дарс

12. УЛУҒБЕК МИРЗО АКАДЕМИЯСИ

Амир Темур даврида Самарқандда тарбия топаётган истеъдодлар Соҳибқирон вафотидан кейин тарқалиб кетишди. Улуғбек Мирзо 1411 йилдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг мустақил ҳукмдори бўлиб олгач, барча ўзига таниш олимларни саройига тўплай бошлайди. Тез орада юз нафарга яқин олиму фозил Улуғбек Мирзо паноҳидан жой топишди. Бугунги кунда бу олимларнинг кўпчилиги ҳақида маълумотга эга бўлмасак ҳам, олиб борилган илмий тадқиқот ишлар кўлами ва салмоғи, эришилган ютуқлар ва кашфиётлар Улуғбек Мирзо ҳузурида аниқ фанлар академияси ташкил этилганидан гувоҳлик беради.

Дарснинг таълимий мақсади: Ўқувчиларга Улуғбек Мирзо даври олимлари ва уларнинг тадқиқотлари ҳақида тушунча бериш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: Улуғбек Мирзо, унинг устозу шогирдлари тимсолида ўқувчиларда илм-фанга меҳр ва ифтихор ҳиссини уйғотиш.

Дарс режаси: 1) Улуғбек академияси. 2) Улуғбек Мирзонинг илм-фанга ҳомийлиги ва илмий фаолияти.

Амир Темурнинг олимлар ва ёш истеъдодларни тўплаб, уларнинг ижод килиш ва таълим олишларига кенг имкониятлар яратиш йўлидаги фаолияти Соҳибқирон ҳаётлигидаёқ ўз самарасини берган бўлса ҳам, унинг ворислари даврида мамлакат ободлиги ва илму фан тараққиёти ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди.

Муаррих Муъинуддин Исфизорий ўзининг «Равзатул-жаннот фи авсофи мадинатул-Ҳирот» («Ҳирот шаҳри васфида жаннатлар боғи») асарида ёзади:

Зи авлоди Темурхон саҳни гети,
Нахоҳад тиҳи гашт то рўзи маҳшар.
Аз они асл тоҳири фаръ зояд,
Ки ояд зи пушти Ғазанфар Ғазанфар.
Шаҳаншоҳи ислом Шоҳрух баҳодир,
Ки аз адли ў гашт гети мунаввар.
Шаҳаншоҳи Улуғбеку Султон Иброҳим,
Ки ҳастанд шойиста тахту афсар.
МАЗМУНИ: Темурхон авлодидан жаҳон саҳни,
Қиёмат кунигача насиб этса аримас.
Ул тоза наслдан авлод туғилар,
Шер пуштидан туғилгандек шер.
Ислом шаҳаншоҳи Шоҳрух баҳодир—
Адлидан олам бўлди мунаввар.

Шаҳаншоҳ Улуғбек, Султон Иброҳим
Тахту тожга муносиб шоҳ эрурлар.

Улуғбек Мирзо академияси намояндаларидан баъзилари ҳақида маълумот берамиз.

Улуғбек МИРЗО. Шоҳрух Мирзонинг тўнғич ўғли Улуғбек Мирзо 1394 йилнинг 22 мартида Ироқи Ажамнинг Султония шаҳрида дунёга келган. Унга Муҳаммад Тарағай деб ном берганлар. Бу ном Амир Темурнинг марҳум отаси номи бўлиб, болани Муҳаммад Тарағай деб чақиришга истиҳола қилишган. Уни Соҳибқироннинг отаси Муҳаммад Тарағай баҳодирга нисбатан Улуғбек деб аташган. Амир Темурнинг етти йиллик юриши (1388—1404) даврида Улуғбек бувиси Сароймулкхоним билан бирга Қорабоғда яшаган.

1398 йилда Амир Темур беш яшар набираси Улуғбек Мирзонинг мураббийси қилиб ўз қиссахонининг жияни Ҳамза ибн Алини тайинлайди. У тарихда Шайх Озарий (1382—1462) номи билан машҳур бўлиб, отаси сарбадорлар бошлиқларидан Али ибн Тусий эди. Шундан кейин Улуғбек Мирзо мураббийси Шайх Озарий ва отабеги Шоҳмалик тарбиясида бўлди.

1409 йили Улуғбек Мирзони Мовароуннаҳр ҳокими этиб тайинлар экан, отаси Шоҳрух унга қуйидагича насиҳат қилган:

«Ҳақ таоло бу буюк инъом ва улуғ марҳаматни бизга ато қилди; яроқ-аслаҳамизнинг ожизлиги ва ҳолатимизнинг нуқсонлигига қарамай, бизни танлаш назари билан тақдирлаб, фармонимизни олам мамлакатлари узра жорий қилди... Қозилар қўлини шариат ҳукмлари ижросида бақувват тутгин; олам ободонлигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш деҳқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя қилиб, адлу инсоф билан ўзингга яқин қилгин; давлат чегараларининг нигоҳбонлари ва мамлакат ичкарисининг қўриқчилари бўлган лашкарлар тоифасини очиқ юзлик ва хушмуомалалик билан ўзингга мутеъ ва итоаткор қилиб, уларнинг ёлланма ҳақлари ва маошларини белгиланган вақтда тўла етказиб тургин...» (Абдураззоқ Самарқандий. «Матлаъус-саъдайн...» форсийдан Асомиддин Ўринбоев таржимаси).

Мирзо Улуғбек отаси айтгандек, адолатли подшоҳ бўлди. Унинг ҳукмронлиги йиллар Самарқанд йирик сиёсий ва маданий, илм-фан марказига айланди. Улуғбек Мирзо истеъдодлар тарбияси учун қайғурди. Буюк бобоси йўлидан бориб Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон ва бошқа шаҳарларда мадрасалар қурдирди. Самарқанд мадрасаси қурилишида Улуғбекнинг ўзи бевосита қатнашган.

Муаррих Зайнуддин Восифийнинг ёзишича, мадраса қурилиши охирлаб қолганда усталар Улуғбек Мирзодан бу мадрасага кимлар мударрис бўлади, деб сўраганлар, Улуғбек Мирзо: «Ким барча фанлардан устоз бўлса, шу мударрис бўлиши мумкин»,— деб жавоб берган. Шу аснода, қурувчилар орасидан бир киши чиқиб, «мадрасага мен мударрис бўламан!» деган. Улуғбек Мирзо ва унинг ёнидаги олимлар уни фаннинг турли соҳаларидан саволга тутганлар. У эса барча саволларга тўла ва мазмунли жавоб қайтарган. Шундан сўнг Улуғбек Мирзо фармонига мувофиқ мазкур қурувчи Самарқанд мадрасасига мударрис этиб тайинланган. Халқнинг оддий қатламидан чиққан бу олим ва донишманд киши Мавлоно Муҳаммад Хофий эди. Унинг мадраса очилган куни ўқиган дарсини тўқсон нафар олим тинглаган. Аммо, дарс мазмунига фақат Улуғбек Мирзо билан Қозизода Румий тушунганлар.

Улуғбек Мирзонинг устози замон Афлотуни Салоҳиддин Мусо ибн Маҳмуд Қозизода Румий эди. Улуғбек Мирзо ундан илми фалакиётни ўрганди. Алломанинг маслаҳати билан Соҳибқирон вафотидан кейин кетиб қолган Ғиёсиддин Жамшид ибн Масъуд, Мавлоно Муъиниддинларни Самарқандга олиб келтирган.

Улуғбек Мирзо саъй-ҳаракати билан 1424—1428 йилларда Самарқанд яқинидаги Кўҳак тепалиги бағрига жаҳонга машҳур расадхона қурилади. Бунгача фалакиёт илми бўйича кузатиш ишлари 1417—1420 йилларда қурилган Улуғбек мадрасаси ҳужраларидан бирида олиб борилган. Расадхона ҳақида Абдураззоқ Самарқандий қуйидагиларни ёзади: «Самарқандни шимолий томонида сал шарққа оғишган жой танланди. Машҳур мунажжимлар бу ишни бошлаб юбориш учун юлдуз кўрсатган хайрли кунни аниқлаб бердилар. Бино қудрат асоси, улуғворлик негизидек пишиқ қурилди. Пойдевор ва устунлар тоғ асосидек шундай мустаҳкам қилиндики, улар то маҳшар кунигача на жойидан жилар ва на қулар эди. Баланд қурилган бу муҳташам иморат хоналарининг ичига солинган расм ва беқиёс суратларда фалакнинг даража, дақиқа, сония ва сониянинг ўндан бир улушлари кўрсатилган етти қават осмон гардиши, етти сайёра ва турғун юлдузлар тасвирланган осмон гумбази, иқлимлар, тоғлар, дарёлар, саҳролар, хуллас, оламга тегишли ҳамма нарса тасвирланган эди. Шундан кейин Қуёш ва сайёраларнинг ҳаракатини кузатиш, кўрганларини ёзиб бориш ва қайд этиш ишларини бошлаб юборишга фармон берилди».

1417—1430 йилларда Улуғбек Мирзо Самарқанд Регистонида улкан мадраса, хонақоҳ, масжид ва ҳаммом қурдиради. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай дейилган: «Улуғбек Мирзонинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуғ гумбаздир, оламда онча улуғ гумбаз йўқ деб нишон берурлар... Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибдур, масжиди муқаттаъ дерлар. Бу жиҳатдин муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитойи нақшлар солубтурлар, тамоми деворлари ва сақфу ушбу йўсунлиқтур. Бу масжиднинг қибласи бирла мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Ғолибан бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи билан амал қилибтурлар».

Улуғбек Мирзо карвонсаройлар, тимлар, чорсулар ва ҳаммомлар ҳам қурдирган. Карвонсарой Регистонда, ҳозирги Тиллакори мадрасаси ўрнида жойлашган бўлиб, Мирзойи номи билан шуҳрат топган. Улуғбек Мирзо Гўри Амир мақбарасининг шарқ тарафидан эшик очдириб, унинг марказигача гумбазли нақшинкор галерея қурдиради. 1434—1435 йилларда Шоҳи Зинданинг асосий дарвозаси ранг-баранг кошинлар билан зийнатланиб, қайтадан қурилди. Ҳозирда Румий қабри устига қўш гумбазли мақбара бунёд этилди.

Улуғбек Мирзо ўз расадхонаси ёнида бир боғ ҳам бунёд этади. Бу боғ ҳақида «Бобурнома»да шундай дейилади: «Улуғбек Мирзо пуштайи Кўҳакнинг доманасида ғарб сори боғ солибтур боғи Майдонга мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ошиёна, сутунлари тамоми тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт минордек буржлар кўтарибдурларким, юқорига чиқар йўллар бу тўрт бурждандур. Ўзга тамом ерларга тошдан сутунлардир. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юқориги ошёнанинг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдир. Иморат курсисини тамом тошдан фарш қилибтурлар. Бу иморатдин пуштайи Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур... Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чиннихона дерлар. Хитойдан киши йибориб келтирибтур».

Улуғбек Мирзо даврида унинг саъй-ҳаракати билан қурилган ёки қайта тикланган бинолар кўп. Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди ва машҳур Гумбази Саййидон (1435 йили қурилган), Самарқанднинг Сўзангарон гузарида Хожа Абди Дарун мозори ёнидаги хонақоҳ, Термиздаги Ҳаким Термизий мақбараси саганаси ва ҳоказо.

Улуғбек Мирзо мамлакатни обод этиш, халқ таълими ва илм-фан тараққиётига эътибор беришда буюк бобоси Соҳибқиронннинг эзгу ишларини давом эттирди.

Улуғбек Мирзо ҳукмдорлар орасида буюк олим, олимлар орасида улуғ аллома эди. У риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса ва тарих фанларида ўзининг буюк кашфиётлари билан жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдиради. У 1437 йилда жаҳонга машҳур асари — «Зижи жадиди Кўрагоний»ни ёзади. Унда 1018 юлдуз мавқеи аниқланган. «Зижи жадиди Кўрагоний» кириш, назарий қисм, кузатишлар асосида тузилган жадваллардан иборат. Унинг биринчи китоби эралар ва тақвим тарихига бағишланган; иккинчи китоби математика ва илми фалакиёт, учинчи китоби тригонометрик жадвалларга бағишланган.

Улуғбек Мирзонинг «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола» асари бизгача тўлиқ етиб келмаган. Улуғбек Мирзо аниқ фанлардан ташқари тарих ва мусиқа илмида ҳам қалам тебратган. Муаррих Муҳаммад Ҳайдар Мирзо «Тарихи Рашидий» асарида: «Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд эди ва «Тарихи арбаъ улус»ни ёзиб қолдирган эди», — дейди.

Унинг даврида Самарқанд шаҳри илму фан ва маданият марказига айланди. Улуғбек Мирзо академиясида йирик математик ва астроном Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, мавлоно Муъинуддин Кошоний, Али Қушчи, Сайид Имодиддин, Муҳаммад Хофий, Ҳасан Чалабий ибн Мусо, Мансур ибн Муъинуддин Коший, муфассир ва тиб илми билимдони Бухониддин Нафис ибн Аваз Кирмоний, шоирлардан Лутфий, Саккокий, Хиёлий, Исматулло Бухорий, Камол Бадахший, йирик адабиётшунос Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийлар ижод қилганлар.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Ҳунар — зар

БАҲОСИГА ҚАРАБ СТИПЕНДИЯ

Ҳунар-техника билим юртлари ҳақида салбий муносабатлар борган сари камроқ кузатилмоқда. Сабаб шуки, бу соҳада ислоҳотлар жадаллик билан амалга ошириляпти.

Тошкент шаҳридаги 15-ҳунар-техника билим юрти тилга тушган илм масканларидан бири. Билим юрти бундан уч йил муқаддам қурилиш лицейига айлантирилган эди. Бу вақт ичида 1200 дан ортиқ ёш мутахассислар ишлаб чиқаришга йўл олишди. Кейинги пайтларда лицей гуруҳларига фақат «4», «5» баҳоларга ўқийдиган ўқувчилар қабул қилинмоқда. Тест синовларидан ўтган ҳар икки ўқувчидан бири бу ерда ўқиш имкониятига эга бўлади. Мана шу гуруҳлардан 56 нафар ўқувчи лицейни битириб чиқиб, улардан 35 киши техникумларда, 4 киши Республика Ички ишлар академиясида ўқишмоқда. Қолган битирувчилар институтларда таҳсил олишяпти. Айримлари эса оталиқ ташкилотларида фаолият кўрсатишаётир.

Ҳунар-техника билим юртини лицейга айлантиришдан мақсад нима?

Ўқувчилар билим юртида уч йил ўқийдиган бўлишса, йилда икки марта имтиҳон топширишарди. Лицей гуруҳларида маълум мавзу тугагандан кейин, албатта, тест асосида имтиҳон топшириш лозим бўлади. Бу ўқувчиларнинг келажакда институтларда имтиҳон топширишларига қулайлик яратади.

— Бу йил қабул қилинган ўқувчиларнинг билимлари талаб даражасида эмас, — дейди лицей директори Озод Акбаров. — Болаларнинг кўпчилиги тижоратга, савдо-сотиққа берилиб кетишмоқда. Дарсларга тўлиқ қатнашмаслиги, газеталарни ўқимаслиги, телевизордаги ижтимоий-сиёсий кўрсатувларни кўрмаслиги ана шунга олиб келмоқда. Фақат пул ишлаш фикри аксарият ўқувчилар хаёлини банд этиб олган. Бироқ пул, бойлик топишга қизиқиш илму маърифатга ташналикни сўндирмаслиги керак. Улуғ бобомиз Аҳмад Яссавий таъкидлаганидек, бойлик қўлдан кетади, илм эса инсоннинг ўзи билан қолади.

Директорнинг фикрига қўшимча қилиб шуни таъкидламоқчиманки, ҳозир саноат корхоналарида ишлаётганларнинг аксарияти 25 дан юқори ёшдаги кишилардир. Ёшлар эса бозорда. Тагин ўз маҳсулотини эмас, тайёр молларни дўкон ва фирмалардан сотиб олиб харидорга ҳавола этишади. Бу эса уларни маънавиятдан тобора узоқлаштирмоқда.

Дарвоқе, мазкур лицейда ўқувчилар стипендия олишади. «3» баҳоси борларга 524 сўмдан, «4» баҳоси борларга 604 сўмдан, аълочиларга эса 654 сўмдан стипендия берилмоқда.

Финляндияда ҳунари бўлмаганлар уйлана олмас экан. Бизда ҳам «Йигит кишига қирқ ҳунар оз», «Ҳунарли хор бўлмас» дейишади. Доно халқимизнинг ана шу ўгитини унутмаган ҳолда, йигитларимиз ҳунар ўрганишса, ҳаёт денгизида дадил сузиб кета оладилар.

Ш. ТЎЛАГАНОВ.

Тошкент шаҳридаги 276-мактаб пойтахтимизнинг намунали мактабларидан бери саналади. Айни пайтда мактаб жамоаси бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиб, замонамиздаги буюк ўзгаришларни ўқувчилар онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Мактабда соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган дарслар, кечалар қўплаб утказилаяпти. Бунда мактаб илмий бўлим мудираси Насиба Шораҳматова билан кутубхоначи Манзура Тулагановаларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. (Юқоридаги сурат).

Шунингдек, мактабда болаларга лотин ёзувини ўргатиш ҳам қизғин бормоқда. Бунинг учун бошланғич синф муаллимаси Барно Нурматов ҳам (пастдаги сурат) чин дилдан меҳнат қилмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ СЕВИБ ҚОЛДИМ

(Боши 1-бетда)

лар тўё Африка ва Осиёдан келган одамларга мос эмиш...

— Ҳозирги кунда туркология, хусусан, ўзбек тили, тарихи, адабиётини ўрганиш бўйича нима ишлар билан машғулсиз?

— Менинг илмий ҳаётим ҳар доим икки хил бўлиб келган. Рўзғорлик учун мен ҳар доим туркча дарс берардим. Кўнглим эса ҳар доим ўзбек тили билан эди. Шунинг учун номзодлик ишимни ўзбек тили ва маданияти борасида юритдим. У ўзбек халқ қўшиқлари бўйича эди. Ундан нари, меҳрим ўзбек алабиётига ўтди. 1986 йилда биринчи бор Тошкентга келиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг кутубхонасида ўтириб, эски мажалла ва қўлёзмаларни ўқиганимда Чўлпон, Фитрат, Вадуд Маҳмуд каби номларга кўзим тушди. Бу номларни «История узбекской литературы» каби китобларда ўқигандай эдим. Лекин қай маънода эканлиги ўзингизга аён. Чўлпон, Фитрат ҳақида сўз борса, албатта, миллатчи деган гаплар бўлишини биардим. Лекин ўқиганларим бошқачароқ чиқди. Менимча, ўзбек шоирларининг шоири бўлган киши Чўлпон экан. Нима учун адабиёт тарихида бошқачароқ ўқиганман деган савол чиқди. Фитратнинг ўз асарларини ўқисам, у менимча, ҳозиргача кўрган олимларнинг энг каттароғи бўлиши ҳам мумкин. Шундай маъно чиқди. Ҳайрон қолдим. Ўқиб-ўқиб тарих китобларида «бир гап» бор экан деган фикрга келдим. Шундан бошлаб, Фитрат, Чўлпон асарларини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат бошланди. Ундан нари, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг икки тиллик «Ойина» журналини ўқиб чиқиб, уни қисқартириброқ инглиз тилига таржима қилдим. Ҳозир нашрга тайёрлаяпман.

— Юқорида ўзбек халқ қўшиқлари бўйича номзодлик ишини ёқладим, дедингиз. Қўшиқлардан биринчиси ёдингизда борми?

— Бор, албатта. Мана, улардан бири:

...Отам билан онам қанду новвотим,
Беҳишт ўртасига солган равотим.
Қўнар бўлсам отам солган равотим
Учар бўлсам онам берган қанотим...

Шунга ўхшаш минглаб қўшиқларни ёзиб олганман.

— Кўп юртларда бўлиб, турли халқларни кўрибсиз. Ўзбек халқининг ўзига хос ва сизга ёққан жиҳатларини нималарда кўрдингиз?

— Албатта, биринчи кўзга кўринган сифат меҳмонпарварлик, меҳмондўстлик бўлса керак. Бирор жойга кирсак, шундай иссиқ, дўстона қабул қилишадики, ҳайрон қоламиз. Бу Европада умуман бўлмаган бир гап. Яна бир жиҳати, ўзбек олим ва олималари менда катта таассурот қолдирди. Уларнинг катта ва чуқур билимлари бор. Оддий халқни ҳам жуда яхши кўраман. Уларда кундалик фалсафа бор. Бу уларнинг маънан бой эканлигини ҳам билдирали.

— Эндигина мустақил бўлиб ривожланишга юз тутган ўзбек халқига бир равнақ топган Европа давлатининг вакили сифатида нималарни тилаган бўлардингиз?

— Гапни ривождан бошласак. У ҳар хил бўлиши мумкин. Техника, иқтисод нуқтаи назаридан қарасангиз, у бизда салгина олдинроқ кетган бўлса керак. Бу ривожнинг бир хили, иккинчиси бўлса, инсон билан боғлиқ бўлган ривож. Шу нуқтаи назардан, яъни маънан Марказий Осиё жуда баланд кетган. Энди табиий улуғлигига мос, техникавий, иқтисодий уйғунлик топса, янаям яхшироқ бўларди.

— Мазкур учинчи таширифингиздан асосий мақсад нима?

— Олимлар, талабалар орасида алоқаларимиз бор, йўқ эмас. Бугун шуни яна ҳам юқорироқ савияга кўтариш ниятимиз бор. Бу борада университет президенти, факультет деканлари ҳам бизни қўллашиб: боринг, ўзингизга мос домла, талаба топинг, алмашишни йўлга қўйинг, дейишди. Бу борада Олий таълим вазирлиги миқёсида келишиб оламиз. Яна бир гап борки, ўтган йилги давлатларимиз орасидаги шартномалардан кейин талаба алмашиш ишлари жуда осон бўляпти. Худо хоҳласа, алоқаларимиз яхши бўлиб кетади. Бизда, умуман, шундай қоида борки, биз баланддан пастга эмас, пастдан баландга ўсамиз... Энди Бегали домла (Бегали Қосимов. Таъкид бизники) билан бир фикрга келдикки, биргалашиб, уларнинг шогирдлари ва ҳамкорлари билан бирга жадидлар, яъни аниқроғи Беҳбудий ва Беҳбудий даврасидаги кишилар ҳақида бир китоб ёзсак. Бу ҳам бир амалий ҳаракат бўларди. Бундан ташқари талабалар алмашиб турамиз.

— Ингеборг хоним, ўзбек олимлари Беҳбудий ҳақидаги таржима қилинган тадқиқотларингиздан хабардор. Улардан бирида Беҳбудийнинг саёҳатномалари ҳақида гапириб, «Ислом бирлиги» ҳақида ёзганида, Ўрта Осиё халқларининг бирлигини хоҳлайди, деб ёзасиз. Бу фикр таржимада тўғри чиққанми?

— Бошқа асарларидан бошқа маълумотлар ҳам чиқариши мумкин. Лекин «Саёҳат хотиралари»да «Ислом бирлиги» ҳақида ҳам гап юритади. Бирлик ҳақида гап бор. Масалан, намоз ўқиётганда шундай оҳангда фикр юритади. Лекин Фаластинда юриб, мусулмонларни кўрган пайтда фикри ўзгарганга ўхшайди. Қаранг, яҳудийлар, христианлар қандай ривож топган, биз мусулмонлар орқада қолибмиз, дейди. Беҳбудий тор миллатчи эмас. У ҳар бир халқни кузатиб, миллатга, зарур жиҳатларни олишимиз керак, дейди.

— Бу фикрни айттанимнинг асосий сабаби бир саволга жавоб топиш эди. Сизларда, яъни Ғарбда «панисломизм», «пантуркизм» деган сўзлар қандай пайдо бўлган, биринчи бўлиб ким бу сўзларни ишлатган, шу ҳақдаги фикрингиз?

— Бизларда «панисломизм», «пантуркизм», умуман «пан» деган фикрлар XIX асрда ривож топган. Бу ҳам бўлса, Европанинг қўрқувидан. Европа ўзини, албатта, жуда баланд нарса деб ҳисоблайди. «Панславизм» бор эди, «Пангерманизм» бор эди, ҳар бир инсон шундай эмасми, ўзига ўхшатиб бошқаларнинг фикрини қиёсласа. Дейлик, мен ўзим «панславист» бўлсам, мусулмонлар ҳам «панисломист» бўлса керак, деган хулоса чиқараман. Улар ўзига ўхшаб хулоса чиқарган. Бугун Европада, Германияда десангиз, фундаментализмдан қўрқишади. Нимага ундан қўрқишади? Чунки уерда ҳам фундаменталистлар қўзғалиб қолишган. Фундаментализм динимизда ҳам йўқ эмас. Энди улар мусулмонларда ҳам бўлиши мумкин, дея ўйлайдилар. Энди бир гап. Менимча, фундаментализмнинг ўзи ёмон эмас. Бу асосларга, булоқларга таянгин, дегани. Беҳбудий домламиз бир фундаменталист эди. Беҳбудий ўз фикрига, интилишларига асосни Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдан топганлар. Унинг нимаси ёмон. У кейинроқ чиққан, бузилган ақидаларга эътибор бермай, асосга, биринчи манбаларга мурожаат қилган. Шу маънода асл фундаментализм ҳеч қачон ёмон бўлмайди. Лекин ҳозир бунинг моҳияти ўзгариб қолди. Ҳозирги ўзини фундаменталист деб биладиган одамлар ҳақиқий фундаменталист эмас, улар гапларни ўз калласидан топади, яхши китоблар, манбаларга мурожаат қилмайди.

— Шахсий савол берсак ҳам майлими?

— Жавоб бермасам ҳам майлия? (Кулиб, ҳазиллашади).

— Турмушга чиққанмисиз?

— Ҳа.

— Неча фарзандингиз бор?

— Уч қизимиз бор. Каттаси Юлия 1985 йилда, ўртанчаси Кунгунда 1987 йилда, охиргиси Луция 1994 йилда туғилган.

— Бирортаси сизнинг йўлингиздан бормоқчими?

— Ўртанчаси турк тилини ўрганмоқчи. Кўрамиз. Нима бўларкин.

— Илоҳим қизларингиз катта бўлсин, онасига ўхшасин.

— Ташаккур!

Ингеборг хоним билан турли мавзуларда суҳбатлашдик. Унинг ўз фикрини асослаб бериши, собит туриши ва асосийси бу фикрларни гўзал шаклда сизу бизнинг тилимизда баён этиши мароқли туюлди. Шунинг учун фикр ифодасини ўз ҳолича беришга ҳаракат қилдик.

Суҳбатни
Ҳалим САЙИД
ёзиб олди.

Мухтарам «Маърифат» газетаси ўқувчиларига!

Ўзлигингизга яхши баҳо беришингизни, ўз қадрингиз ва ўзга қадрига ҳамиша етиб юришингизни тилаймиз!

Ислом Ш.

9 март 1996 йил.

Қутлов

ХУШЧАҚЧАҚ, БИЛИМДОН, ФИДОЙИ

Мактабда физика ҳаётнинг ҳаракатдан, ҳаракатдан ва яна ҳаракатдан иборат эканлигини ҳали болалар фалсафа деган фаннинг номини ҳам эшитмаганлари бир маҳалда зимдан тушунтира бошлайди.

Дунёдаги жамики жисмлар, борингки, бетон, тош, темир ҳам кўз илғамас майда-чуйда заррачалар — молекулалардан ташкил топган. Ҳар бир молекула эса худди жони бор бир мавжудотчага ўхшайди. Чунки уларнинг ҳар бири— табиатнинг бир сония ҳам ҳаракатсиз туролмайдиган парчаси. Молекулаларнинг тинимсиз ҳаракати эса иссиқлик энергиясини пайдо қилади.

Гарчи «Физика» дарслигида очиқ-ошкор баён қилинмаган бўлса ҳам шундай нозиқ бир хулоса келиб чиқади: «Агар бетону тошу темирдек бағоят қаттиқ— тепса тебранмас жисмлар ичидаги заррачаларки тинмай қимирлаб-ғимирлаб турса, оламнинг сарвари янглиг дунёга келган ҳазрати инсон боласи нечук беҳаракат бўлсин»?

Лекин ҳозир гап физика ҳақида ҳам, иссиқлик энергияси ҳусусида ҳам эмас...

Ҳамиджон Ҳомидов олтмишга тўлаётибдилар экан, деб эшитиб, айнан шу — ҳаракат ҳақида ўйлаб қолдим. Чунки бу хипчадан келган, чаққон, учиб кетаётгандек юрадиган, дарсхоналарда ўта жарангдор овоз билан берилиб маърузалар ўқиётган, ҳамиша куйди-пишди — жонкуяр, доим хушчақчақ профессорга ҳеч ким олтмиш ёш бермайди.

Эҳтимол, бунинг сири айнан шу ҳарактчанликдадир.

Ҳаш-паш дегунча Ҳамиджон ака асрнинг учдан бирини ўзлари ўқиган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида талабаларга адабиётдан таълим бериш билан ўтказибдилар.

1968 йили ёқланган «Фирдавсий «Шоҳнома»сининг классик ўзбекча таржималари» мавзуидаги номзодлик, 1991 йили ниҳоясига етказилган «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» мавзуидаги докторлик диссертациялари — шу йилларнинг муҳим маҳсуллари.

Шу тариқа илмимизда етук ўзбек фирдавсийшуноси шаклланди.

Ҳамиджон Ҳомидов тадқиқотларидан ҳам биламизки, соҳибқирон Амир Темурнинг неварасси, буюк Мирзо Улуғбекнинг укаси — Бойсунқур Мирзо Хуросонда замонасининг не-не машҳур хаттоту олимини «Нигористон» деб аталмиш кутубхонасига чорлаб, уларга ўзи бош бўлиб, кўп илмий-маърифий ишларни амалга оширган, жумладан, «Шоҳнома»нинг мавжуд нусхаларини тўплаттирган эди. Асарнинг нақд 41 нусхаси ўзаро қиёсан ўрганилиб, замонавий тасаввуримиздаги илмий-танқидий матнга ўхшаш мукаммал нусха тартиб берилган ва 21 шарқона ғузал миниатюра билан безатилган ҳолда китобат қилинган эди. Бойсунқур Мирзонинг ўзи унга «Муқаддимайи Бойсунқурий» деган сарлавҳа остида ажойиб бир илмий сузбоши ҳам ёзади. Эҳтимолки, то ҳануз жаҳон «шоҳнома»шунослигида бундан бақадрроқ иш қилинмаган.

Ҳамид ака таниқли фирдавсийшуносгина эмас, умуман, ўтмиш сўз санъатимиз билимдони, форсий адабиётнинг жонкуяр тарғиботчиси, ўзбек-тожик адабий алоқаларининг етук матахассиси ҳисобланади.

Ҳамиджон Ҳомидов «Барҳаёт шеърий қаср» (1979), «Боқий бўстон таровати» (1985), «Адабиёт — интернационал тарбия воситаси» (1986), «Шоҳнома»нинг шуҳрати» (1991) каби илмий-тадқиқий, «Гуманизм қуйчиси» (1972), «Фирдавсий ва Навоий» (1984), «Борбад Марвазий» (1987), «Олис-яқин юлдузлар» (1990), «Қирқ беш аллома ҳикояти» (1994) деган илмий-оммабоп китоблари, шунингдек, жамъи адади 200 дан ортадиган мақолаларнинг муаллифидир.

Сирасини айтганда, ҳар қандай адабиётшунос у ё бу даражада сўз санъати тарғиботчиси ҳисобланади. Чунки бадиий адабиёт ҳақидаги яхши тадқиқот таҳлилга тортилган асарни тушунтириб беришидан ташқари, унга меҳр, камида, қизиқиш уйғотади. Лекин шундай адабиётшунослар борки, илмда хусусан тадқиққа қўшиб тарғиб ҳам олиб борадилар. Бундай адабиётшуносликда маърифатпарварлик ҳиди уфуриб туради. Энди илмий теранлик ёнига жиндак журналистика, бир оз бадиийлик келиб қўшилади.

Маърифий жиҳатдан ҳам аҳамиятли, аниқроғи, халқнинг онгини устиришга қаратилган илмий ишлар ёзиш учун эса оммабоп услуб, эл билан тиллаша оладиган содда ва равон қалам керак.

«Олис-яқин юлдузлар» китоби билан Ҳамиджон Ҳомидов шундай илмий-оммабоп услубга эга эканликларини кўрсатдилар. Гарчи «Чулпон» нашриёти бу тупламни кичик ёшдаги мактаб болаларига мўлжаллаб чиқарган бўлса ҳам, унда ҳаёту аъмоллари катталар учун ҳам сабоқ буладиган бобо Шарқимизнинг талай улуғ сиймолари ҳақида қизиқарли маълумотлар жуда сероб.

Ўзбек билан тожикнинг ўзи ҳам— эт билан тирноқ, бу икки қондошу жондош халқ яратган маданиятлар ҳам. Шунинг учун бу тиллар аро ўзаро таржималар, шубҳасиз, ана шу асрий жипслигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳамиджон Ҳомидов таржималарининг асосини ҳам тожик адиблари ижоди намуналари ташкил этади.

Ҳамиджон аканинг тадқиқотчи сифатида айрим мумтоз адабиётимиз мутахассисларидан фарқ қиладиган жиҳатлари шуки, у киши бевосита асл манбалар — қадим китобларнинг ўзи билан иш кўришни афзал биладилар.

Устоз Мақсуд Шайхзода, муҳтарам Натан Маллаев каби домлалар бошлаб берган анъана давом эттирилиб, етук соҳиби қаламларнинг ижодий кечалари, навоийхонлик, бедилхонлик, нодирахонликлар, турли адабий-мусиқий базмлар, шунингдек, ранг-баранг мавзуларда илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши педагогика институтида адабий муҳитни жонлантириш учун хизмат қиляпти. Бунда ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси мудири Ҳамиджон Ҳомидовнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Институт муаллимлари ва талабалари Ҳамиджон аканинг бевосита ташаббуслари билан Тошкентнинг турли маҳаллалари, мактабларида ҳам ҳар хил адабий анжуманлар ўтказиб турибдилар.

Бу олимнинг ташкилотчилиги, хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг тожик адабиёти шуъбасига раҳбарликда яхши намоён буляпти. Кейинги йилларда тожик тилида қалам сураётган шоиру адибларимиз фаолияти бир қадар жонланиб қолгани бежиз эмас.

Муайян фан соҳасидан йиллаб талабаларга кунгилдагидек таълим беришнинг ўзи ҳам — бир киши умрига етарли безак. Ана шу асосий вазифадан ортиб илмий-ижодий ишларни амалга ошириш учун эса яна қанча куч, қанчалар ҳаракат кетган.

Физикада инсоний ҳаракатлар миқдорини аниқ ифодалаб берадиган ўлчов бирликлари йўқ... Инсоний ҳаракатлар миқдорини халқ оддийгина қилиб «баракат» сўзи билан ифодалайди.

«Ҳаракатда — баракат», — деган ҳикматнинг асл моҳиятига етиш учун ҳам, афтидан, олтмишга етиш зарурга ўхшайди.

Ҳаётда асл моҳиятини англаш учун етмишга, саксонга... юзга кириш керак бўлган ҳикматлар эса жуда-жуда кўп, Ҳамиджон ака!

Султонмурод ОЛИМ,
**

Назм дафтаридан

ОНА ЮРТИМИЗГА БЕРАЙЛИК САЙҚАЛ!

Холиқназар Холниёзов асли меъмор. Бойсунлик. Тиниб-тинчимас одам. У киши айтадики, «Режаларим улкан, кунлар жуда қисқа, тунлар узун — тунни тезроқ ўтказиш учун кечалари шеър ёзаман» — ёзган шеърларида эса, нечундир аксари мактаб ҳаёти тасвирланади. Қуйида Холиқназар Холниёзовнинг шу мавзудаги шеърларидан намуналар беришни лозим топдик.

БОР БЎЛСИН МАКТАБ

Ёшликдаги дўстлик бузилмас экан,
Ришталари асло узилмас экан.
Гўё бир оила фарзандларимиз,
Бир ота, онанинг дилбандларимиз!
Ҳар ёққа тарқалиб кетган бўлсак ҳам,
Хотирларни қалбда сақладик ҳар дам.
Учрашиб қолсак гар дўстлар ҳойнаҳой,
Узимизни қўйишга тополмасдан жой,
Хурсанд кўришамиз очиб кенг кучоқ,
Шошилиб дастурхон ёзилар шу чоқ.
Хонанинг тўрига ўтказиб бир дам,
Аямаймиз асло жонимизни ҳам.
Бу дўстлик қаерда топмишки камол,
Кексалик чоғи ҳам кўрмайди завол.
Бизга бу борада беролган таълим
Доимо бор бўлсин азиз муаллим!
Тугатиб бўлмас бу дўстликни мақтаб,
Бор бўлсин барчани дўст этган мактаб!

ОРЗУЛАР

Етуклик дафтари қўлимда, мана:
Ўн йиллик меҳнатнинг нодир меваси.
Ютуқдан қувониб, гўё мавжлана,
Дарёдай тошади юрак ҳаваси.

Ким бўлсам экан-а, қатор суроқлар
Қалбимни қитиқлар. Инжа бир титроқ...
Шоирми, ёзувчи, айтинг ўртоқлар,
Ватан-чун қандай касб зарурдир кўпроқ?

Шоир бўлиб Ватан шаънига қўшиқ
Ёзайми, куйлайми гўзаллигини?
Ёки табиб бўлиб, вужудим жўшиб
Даволай дардмандлар касаллигини.

Ё мусаввир бўлиб ўлкам жамолин
Тиниқ бўёқларда этайми тасвир?
Моҳир меъмор бўлиб она шаҳримни,
Оро бериб айлай, жаҳонга машҳур!

Бободеҳқонлардай навлар етказиб,
Боғбони бўлайми зумрад боғларнинг?
Геолог бўлиб қидириб, кезиб,
Бойлигин топайми сирли тоғларнинг!

Ё муҳандис бўлиб, каналлар қазиб,
Қақраган чўлларга оқизсамми сув?
Ёки саҳроларни қидириб-кезиб,
Нефть фонтанларин оқизай гув-гув!

Учувчи бўлиб ё мовий осмонда
Реактив қушларда парвоз этайми?
Донг таратиб бутун жумла жаҳонда
Космосга учайми, Ойга етайми?!

Она Ватанимнинг буюк бағрида
Ҳамманинг олдида очиқдир йўли.
Истаса ҳар ким ҳам етар мақсадга,
Узатса етади кукларга қўли.

Хизмат қилиш учун Ватанга ўртоқ,
Бир муносиб ҳунар керак ҳар кимга.
Зарур касб ўрганиб вақтида тезроқ
Иш кўрсатай дейман она халқимга!

ОҚ ЙЎЛ!

Ўғлимга

Қутлуғ бўлсин ўғлим, ўрта маълумот!
Кузларинг қувончдан юлдуздай порлар.
Вужудингда қайнар матонат, сабот,
Юрагинг ҳапқириб парвозга чорлар.

Сен гўё турнадай учгайсан юксак,
Зоғлар тубанликда қолгай — пойингда.
Ғуборлар тўзгайдир изингда мутлақ,
Етгайсан беғубор гулдай ройингга.

Ҳаёт ичра сен ҳам бир оқар дарё...
Юрагингда дуру гавҳарларинг мўл,
Фарзандим, уларни сочмасдан ҳар ён,
Мақсад сари сарфла, интилган — оқ йўл!

Гар ҳаёт шошилмас, қолар изингда,
Вақт кутиб турмайди, шош, сенга — оқ йўл!
Орзу қушин маҳкам тутиб изингда,
Довонлардан дадил ош, сенга — оқ йўл!

Холиқназар ХОЛНИЁЗОВ.

Рақсга тушар Шаҳнозалар...

ЭЪЗОЗ

Тошкентдаги Шотурсун Ғуломов номли 114-мактабда ажойиб анжуман бўлиб ўтди. Мактабнинг тантаналар зали шаҳар ва туман халқ таълими вакиллари, ўқитувчилар, «Мевазор» маҳалласи фаоллари билан гавжум бўлди. Жамоатчилик саъй-ҳаракати билан бу ерда мактаб директори Мастура Убайдуллаеванинг эллик ёшга тўлиши кенг нишонланди.

Меҳрибон устоз, фидойи инсон Мастура опа умрининг ўттиз йилини маорифимиз равнақига бағишлади, кўплаб шогирдлар тарбиялаб етиштирди.

Навбат билан саҳнага кўтарилган меҳмонлар, шогирдлар ва бошқа ҳамкор-ҳамфикрлар сўз олиб, опанинг инсоний фазилатларини ҳурмат билан қайта-қайта тилга олдилар. Ёш ижодкор ўқитувчилар ҳароратли шеърлари, куй-қўшиқлари, саҳналаштирилган кўринишлари орқали меҳрибон узтозларига ҳурматларини изҳор қилдилар.

Кеча пировардида камтаргина бошланган тантана театрлаштирилган катта анжуманга айланиб кетди.

Ўлмас ҚАҲҲОРОВА,
шу мактаб ўқитувчиси.

Халқ таълими ва бозор иқтисодиёти

ҚУМҚЎРҒОНДА БИЗНЕС МАКТАБИ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида кескин бурилишлар юзага келаётир. Бу борада таълим жабҳасида ҳам чуқур ўзгаришлар бўлаяпти, янги турдаги мактаблар юзага келаяпти. Қумқўрғон бизнес мактаби ҳам бозор иқтисодига ўтиш шароитида давр тақозоси билан юзага келган билим масканларидан биридир.

Маълумки, Қумқўрғондаги кенг тармоқли билим маскани 1980-1990 йилларда тумандаги 15 ва 30-ҳунар билим юртларига филиал бўлиб фаолият курсатарди. 1990 йил 1 ноябрдан бошлаб мустақил 14-ҳунар билим юртига ва муайян фаолиятидан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги 296-қарорига асосан 1995 йил 1 сентябрдан бошлаб Қумқўрғон бизнес мактабига айлантирилди.

Бугунги кунда янги турдаги мактабда 462 нафар ўқувчи турли соҳалар бўйича таҳсил олаяпти. Улар келажакда радио-телевизор созловчи уста, сураткаш, сартарош, тўқувчи, пойабзалларни таъмирлаш устаси, кичик бизнес ҳисобчиси ва менеджер, темирчилик, сандиқчилик каби соҳаларнинг ҳунарманд соҳиби бўлиб етишадилар. Айниқса, ўқувчиларнинг бугунги кунда ноёблашиб қолган миллий ҳунармандчилигимиз жабҳаларини ўрганиши эътиборга моликдир.

Ҳозир билим юрти қошидаги радио-телевизор созлаш устахонаси, сартарошхона, сомсахона, тиш даволаш хонаси, бизнес мактаби бозори, шоли янчиш тегирмони, пойабзалларни таъмирлаш устахонаси, шунингдек, гул ва ҳар хил мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари етиштирувчи ёрдамчи хўжаликлар қўшимча даромад келтирувчи манбага айланган. Жумладан, ёрдамчи хўжаликда ўтган йилнинг ўзида 3 мингта гул ва 40 минг туп манзарали дарахт кўчатлари етиштирилди. Уларни сотишдан тушган маблағлар ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун, шунингдек, ишлаб чиқариш моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш учун сарфланмоқда. Ҳозир мактаб аҳли 6 минг туп гул кўчати, 52 минг туп терак қаламчаси парвариш қиляпти. Мактаб ҳовлисига жами 4 минг туп ҳар хил мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказилди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов ва бошқа мутасадди раҳбарлар ушбу бизнес мактабида бўлишиб, бу ердаги тажрибалар билан танишдилар, амалга оширилаётган ибратли ишларни юқори баҳолашди.

Албатта, катта муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди. Бунинг учун тажриба, билим ва тадбиркорлик керак бўлади. Ҳозир бизнес мактабига раҳбарлик қилаётган республика ҳунар таълими аълочиси Ўроқ Мардонқулов мактаб жамоаси фаолиятини билим ва тадбиркорликни уйғунлаштирган ҳолда ташкил этишга йўналтираяпти.

Алишер НАЗАРОВ.

Хулласи...

МАНА СИЗГА АМЕРИКА

«Америка — сеҳрли диёр». Учраган кишидан сўраб боқинг, бир овоздан шундай жавоб қилишади. Яна «юксак маданият учоғи» деб қўшиб ҳам қўйишади. Лекин руҳшунос Бернис Кэннер ўтказган тадқиқоти хулосаларини келтирсак, ўша мухлислар яна бир овоздан «йўғе» дейишлари турган гап.

Тадқиқотчининг ёзишича, Америкадаги эркакларнинг олтмиш фоизи жамоат жойларида тупуришдан уялишмайди. Ҳар тўртинчи фуқаро дўконларга навбатсиз киришга ҳаракат қилади. Йигирма саккиз фоиз аҳоли солиқ декларациясини имзолашдан ўзини олиб қочади. Ярмидан кўпи ўзларига берилган совғани бошқаларга тортиқ қилишади. Ишчиларнинг қарийб учдан икки қисми ўз бошлиқларини алдаш пайида бўлади. Ва ҳоказо. Мана сизга Американинг сеҳрлари.

МАЙМУН ОДАМ БЎЛМОҚЧИ

Дарвин бобо одамзотнинг катта бобосини маймунга олиб бориб тақаган эди, дарҳол савол беришди: «Нега ҳозир маймунлар одамга айланмайди?» Бу саволга Энгельс жавоб берди: «Олдинги маймунлар меҳнат қилишган, ҳозиргилари эса ялқов».

Шу тахлит саволларга бир гуруҳ ғарблик олимлар ҳам узларининг жавобларини тайёрлаб қўйишибди. Уларнинг фикрича, маймуннинг гапирмаслиги нафасни назорат қила билмаслигида экан. Шу боис, «одамзот қариндоши» ушмундоғ назоратга ўргатилса, бемалол гапириши мумкин, дейишмоқда. Улар тажриба ўтказган шимпанзе ҳозирча икки яшар бола каби гапирмоқда. Хуллас, яқин орада маймуннинг ҳам сасини эшитиб қолсак, ажаб эмас, деб ёзади «Труд».

УРГАНДАН ТУРТГАН ЁМОН

Ўқувчилар тарбиясининг энг яхши воситаси борми? Бор, дея жавоб беришмоқда туркиялик муаллимлар. Бу — оддий туртки. Улар наздидаги турткига қулоқдан чўзиш, чизғич билан қулга уриш, бошга чертиш ва ҳоказо кирар экан.

Бироқ ўқитувчилар фикри ўқувчиларнинг қарашларига мос келмаяпти. Талабаларнинг айтишича, турткилар фақат дийдани қотиряпти, холос. Дийдаси қаттиқнинг эса тарбияси бўлармиди.

РАҚОБАТДА ҚУРБАҚА

Новгород шаҳридаги дўконлардан бирининг сотувчилари ҳам, харидорлари ҳам кутилмаган воқеа гувоҳи бўлишди. Бу ерга келтирилган «қурбақа оёқлари» жуда тез сотиб олинди. Йигирма килоча келадиган бу ноёб ғўштнинг килосини ундай-бундай эмас, нақд 100 минг рублдан харид қилишди. Маҳаллий газетанинг ёзишича, асосий харидорлар ғўшт меъдасига теккан «бир қисм» кишилар экан. Улар шундай «танқис» нарсалардан кўпроқ олиб келишни илтимос қилишяпти.

ана шунақа гаплар.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Ўқув ишлаб чиқариш, компьютерлаштириш ва бозор тузилмаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиги Соибжон Алиевга отаси Тилаболди АЛИХОН ўғли вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тўташ томирлар

ЖЕНТЕЛЬМЕНЛАР ОДАТИ

Янги келинни куёв кўтариб уловдан туширишми, чимилдиқли уйга олиб кириши биз ўзбекларга анча таниш. Бироқ бундай урф-одат бошқа элларда ҳам шаклланганини биламизми? Тўғриси, Можористонга саёҳат қилганимча бу ҳақида мен ҳам бехабар эдим. Ўтган йили олмонялик дўстим билан Можористонга сафар қилдигу ўша ерлик халқнинг ғалати бир одатига гувоҳ бўлдим.

Бизнинг меҳмонхона сердарахт, хушҳаво тепаликка жойлашган бўлиб, деразамиздан Шулх шаҳарчасининг ярмиси кўриниб турарди.

Бир куни саҳар чоғи қувноқ қийқириқлардан уйғониб кетдим. Югуриб дераза ёнига бордиму, ҳайратдан қотиб қолдим.

Меҳмонхонанинг шундоққина биқинидаги кўзга ташланиб турган ҳовлида бир эркак бир аёлни (хотини бўлса керак) типирчилатганча кўтариб ичкари олиб киришга тиришар, теварагида бола-чақалари чапак чалиб, қийқиришарди.

Мен дарҳол шеригимни уйғотдим. У ҳам ҳайрон бўлди. Сўнгра, чошгоҳ пайти, шаҳар айланиш учун ташқари чиқиб кета туриб, йўлакда қоровуллик қилиб турадиган оқ сочли, кекса кишини суҳбатга тортдик. (Олмон дўстим можор тилини яхши биларди). Бугун саҳар чоғи кўрганларимиз ҳақида, бунинг қандай маъноси борлиги ҳақида сўрадик.

Хуллас, қоровул чолнинг табассум билан берган жавоблари бизни ҳам ҳайратга, ҳам ҳаронагарчиликка солиб қўйди.

Биз меҳмон бўлган элатнинг ҳам ўзбекларникига ўхшаш одати бор экан. Янги келинни куёв кўтариб уловдан туширар ва кейинчалик бирга яшашдиган уйга кўтариб киргизар экан. Бунинг маъноси шу: қиз бола отасиникида меҳмон эди, у ўзи умрбод кун кечирадиган хонадонга келди, унинг биринчи қадамлари сиргалиб кетмаслиги учун куёв келинни кўтариб олади.

— Куёв сиргалиб кетса-чи? — сўрадик қоровул чолдан қизиқиб.

— Йиқилса... — дарров жавоб берди отахон, — демак у жентельмен эмас...

Орадан замонлар ўтиши билан бу одат маҳаллий элат ўртасида ўзлари севган байрам кунлари ҳам бир бор такрорланадиган бўлибди. Саҳар чоғи эр суюкли хотинини ҳовлида бирор юмуш билан юрган пайти «лип» кўтариб ичкарига йўрғалаб қоларкан.

Қарангки, ўша биз қийқириқдан уйғонган саҳар 8 Март байрами тонги экан...

— Бу ҳақиқий жентельменча байрам нишонлаш, — деди можор чол мийигида жилмайиб...

Абдуғани МАҲМУДАЛИЕВ,
Кёльн университетининг собиқ талабаси.

Навоий вилояти Навбаҳор туманига қарашли Абдулла Қаҳҳор номли мактаб қошида «Капалак» болалар ашула ва рақс дастаси бор. «Капалак»ни мамлакатимиз миқёсида ҳам яхши танишади. Айниқса, болалар Ўзбекистон телевидениесининг «Қушиғим, жон қушиғим», «Санъат гунчалари», «Тенгдошлар» каби кўрсатувларида ушбу даетанинг чиқишларини кўп ва хўп томоша қилишган. Ёхуд, радиодан «Капалак» болалар дастаси ижросида қўшиқлар тингланг, «Капалак» болалар дастаси куйлайди» каби эшиттиришларни қайта-қайта тинглашган. Даста раҳбари Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофоти совриндори, олий тоифали мусиқа фани ўқитувчиси Фазлиддин Бўронов билан кечган суҳбатимиз ҳам даста ҳақида бўлди.

Фахр

НАВБАҲОР КАПАЛАГИ

— Фазлиддин ака, «Капалак» болалар ашула ва рақс дастасининг босиб ўтган йўли ҳақида гапириб берсангиз.

— Ушбу дастани 1986 йилда ташкил этганмиз. Ўзингизга маълум, агар бирор даста тарихи ҳақида гап кетса, унинг қачон ва қандай анжуманларда иштирок этганлиги, қандай совринлар олганлиги гапирилади. Чунки даста мана шундай пайтларда ўзининг ҳақиқий баҳосини олади-да. Бизнинг ҳам бу борада мақтанса арзигулик ишларимиз анчагина. Хусусан дастамиз 1990 йилда вилоят Ёшлар Иттифоқи мукофоти совриндори бўлган. 1994 йилда Республика ўқувчилар саройида ўтказилган «Иқтидорли болалар слёти»да фаол қатнашганмиз. Шу йил Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё болалари фестивали»да ҳам фаол иштирок этиб, Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирландик. Ва ҳоказо...

— Дастанинг бугунги куни ҳақида нима дея оласиз?

— Аввало дастамизнинг фаол аъзолари дастанинг бугунги кунини белгилайди. Ҳозир дастада кўплаб иқтидорли ёшларни кўриш мумкин. Дилрабо Қиличева, Резида Бичурина, Нурия Ҳалимова, Сабоҳат Давронова, Садоқат Маматовалар шулар жумласидандир. Дастада рақс, вокалчилар, яккахон қўшиқчилар ва мақомчи қизлар гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Гулюз Бекова раҳбарлигида рақс гуруҳи эришаётган натижалар қувончли. Гулюз Бековадан миннатдорчилигимизга яна бир сабаб бор. У киши Тошкент Маданият институтининг «Ҳаваскорлик рақс жамоалари раҳбари» бўлимида таҳсилни тугатгач, мана уч йилдирки, ҳеч қандай моддий манфаат кутмасдан ёшларимизга рақс сирларини ўргатмоқда. Гулюз Бекова саҳналаштирган «Зардўз», «Бухороча», «Наврўз гўзали», «Мустақиллик», «Хоразмча» каби рақслар ижро гўзаллиги жиҳати билан ҳар қандай таниқли дасталар билан беллаша олади, назаримда.

Айни кунда эса дастамиз «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бундан ташқари, бугун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режасию келажак орзулари ҳам бизни тинч қўйгани йўқ.

— Орзуларингизга етишларингизни тилайман. Навбаҳордан учган «Капалак»нинг парвози баланд бўлсин!

— Раҳмат!

Суҳбатдош:
Икром БЎРИБОЕВ.

Янги қўлланмалар

ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИНИНГ КЎЗГУСИ

«Ўқитувчи» нашриёти ўтган йили мактаб ўқувчилари учун «Усимликлар аниқлагичи» деб номланган қўлланмани (муаллифлар: доцент С. Ходиқов, проф. У. Пратов, доцент А. Файзиев) беш минг нусхада чоп этди. Мазкур китобга Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган беш юзга яқин ўсимлик турлари киритилган. Маълумки, мазкур қўлланманинг биринчи нашри бундан чорак аср муқаддам, 1970 йилда С. Ходиқов ва У. Пратовлар томонидан чоп эттирилган эди. Ҳозирги кунда у китоб ноёб бўлиб қолди. (Баъзи қутубхоналарда сақланиб қолмаган бўлса, мактабларда деярли учрамайди). Шуларни эътиборга олган ҳолда ҳамда ботаника фанидаги сўнгги янгилик ва ўзгаришларни ҳисобга олиб муаллифлар «Ўсимликлар аниқлагичи»нинг иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашрини тайёрлаганлар.

Қўлланмада сўз бошидан сўнг ундан фойдаланиш, ўсимликлар морфологияси (илдиз, поя, барг, гул, мева) ҳақида маълумотлар берилган. Китобнинг асосий қисмини ўсимликлар оилаларини ва ҳар бир оила ичидаги туркум ҳамда турни аниқлаш учун тузилган жадваллар эгаллаган. Қўлланмага кирган оила ва турларнинг ўзбекча, русча, лотинча (илмий) номлари рўйхати китобнинг охирида келтирилади. Шунингдек, ҳар бир оила ёки туркумга мансуб юздан ортиқ ўсимлик расмлари ҳам берилган. Ўсимликлар оилаларининг «дош» қўшимчаси билан, туркум ва турларнинг қўшалоқ (бинар) ном билан аталишини бу ўринда алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, халқимиз ўсимликларни битта ном билан атайди. Жумладан, анор, терак, қайрағоч, рўян ва ҳ. к. Бу каби номлар фақат ўсимлик туркумига тегишли, айрим ҳоллардагина баъзи меваларга (қизил олма, анжир, шафтоли, заргалдоқ ўрик, жилон жийда), лолалар ва гуллар (тарғил лола, қизил атиргул, гули сафсар) қўшном билан аталган. Шу билан бирга айрим ўсимликларнинг ўзбекча номи умуман йўқ. Ваҳоланки, барча ўсимлик турларининг илмий (лотинча) номи маълум. Республикамиз ҳудудида 4500 га яқин юксак ўсимлик турлари ўсадиган бўлса, уларнинг ҳаммасини ўзбекча номлаш ўта машаққатли иш. Шунга қарамай, муаллифлар ўсимликларни номлаш учун кўп ҳаракат қилишган ва бу вазифани илмий асосда ҳал этганлар. Шунинг учун ҳам «Ўсимликлар аниқлагичи»га бу йўлда қўйилган дастлабки қадам деб қарамоқ керак.

Ўсимлик оилаларининг номлари юқорида айтганимиздек туркум номига «дош» суффикси қўшилишидан ҳосил бўлган. Жумладан, чинор-чинордошлар, қайрағоч-қайрағочдошлар, айиқтовон-айиқтовондошлар ва ҳоказо. Китобда баъзи ўсимлик оилаларининг номлари Халқаро Ботаника номенклатурасининг қоидаларига амал қилинган ҳолда берилган. Айрим оилаларнинг ўзбекча номлари эса муаллифлар томонидан илк бор келтирилган. Масалан, қаламбаргдошлар, наргисдошлар, уччаноқдошлар, гулобдошлар ва ҳ. к. Бу каби номларни, албатта, «Ўзбекистон флораси» мажмуасини тузишда ҳисобга олиш даркор, деб ўйлаймиз.

Китобда айрим мунозарага молик сўзлар, ўсимлик номларига оид нуқсонлар ва имло хатолар ҳам мавжуд. Масалан, 15, 46, 92, 176, 187-бетларда ўсимликларнинг лотинча номларида чалкашлик, шунингдек, «тикан дарахт-гледичия» (90-бет) ўрнига «гледигия», «туятовон» (94-бет) ўрнига «буятовон» деб ёзилган. Ўсимлик оилаларининг номларини ёзишда ҳам ноаниқликлар бор. Жумладан, «булдуруқдошлар» (16-бет) деб номланган оила «халқагулдошлар» (143-бет) деб, «бурчоқдошлар» (22-бет) «дуккакдошлар» (86-бет) деб номланган ва ҳоказо.

Қайд этилган нуқсонлар қўлланманинг муҳим аҳамиятини пасайтирмайди, албатта.

Аниқ ва равон тил билан тушунарли қилиб ёзилган бу қўлланма мактаб ўқувчиларини ўсимликлар билан танишишида, она-Ватан яшил бойликларини ўрганишида ва уларни асраб-авайлашга одатланишида муҳим аҳамият касб этади.

Қўлланма, гарчи у кам нусхада чоп этилган бўлса-да, ўқувчиларга ва ўсимликлар дунёси билан қизиққан ҳар бир кишига манзур бўлади, деган умиддамиз.

К. ТОЙЖОНОВ,
Тошкент фармацевтика институти ботаника кафедрасининг мудири, биология фанлари доктори.

Касбим-фахрим

УСТОЗ БЎЛИШ ОСОНМАС

Хушҳаво-ю оромгоҳлар маскани Ғазалкент ўзининг мафтункор манзараси билан кишини мафтун қилади. Чор атрофи ям-яшил мевазор боғу роғларга туташиб кетган ана шу жойда ажойиб инсон — умумий таълим мактабининг ўқитувчиси Тиллажон Гулметова яшайди. Ширинсухан, тиниб-тинчимас бу муаллима уч йилдирки, 22-ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради. Унинг ҳар бир дарси олдиндан пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда, турли кўргазмали қурол ва ашёлар билан ўтказилади. Шунинг учун бўлса керак, бу заҳматкаш ўқитувчи тарбиялаган ҳамма ўқувчилар яхши ўзлаштириш билан синфдан синфга муваффақиятли кўчадилар.

Тиллажон Гулметова ҳар бир дарсни ижодий, юксак савияда ўтказишга ҳаракат қилади. Бунинг учун у ўз устида тинмай ишлайди, устозларининг бой тажрибаларини амалий ишида қўллайди. Ҳар бир ўқувчининг характери, қизиқиши, қобилияти ва интилишларини пухта ўрганган ҳолда, улар билан синфдан ташқари қўшимча машғулотлар ўтказади.

Моҳир ўқитувчи Тиллажон Гулметова мактабдаги ёш ўқитувчиларнинг энг яқин устози ҳам ҳисобланади. Ўзининг кўп йиллик бой тажрибасини ва педагогик санъатини ёшларга ўргатади, уларга маслаҳат беради ва ўқитувчилик маҳоратидаги кўп қиррали йўлларни очиб беради. Роза Ҳайитметова, Гулнора Йўлдошева, Ш. Шомансурова, Шаҳло Эрматова сингари ёш ўқитувчилар педагогик маҳоратни эгаллашда ва болаларга чуқур билим беришда Тиллажон опа усулларидан фойдаланиб келишаётир.

— Мен оддий ўқитувчилик орқасидангина обрў-эътибор топдим, — дейди муаллима, — шу боис умр йўлимдан миннатдорман.

Рўзимат ДАМИНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Икром Искандар.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0141. Тиражи 39710. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6